

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

БОЙЛИЕВА Умида Маъмуржонова

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
АДАБИЙ-НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
(ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ МИСОЛИДА)

5 А «Ўзбек адабиёти» мутахассислиги бўйича магистрлик

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я С И

Илмий раҳбар: филология фанлари

Доктори, проф. Б.Тўхлиев

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

	<i>Кириш</i>	3
I БОБ	АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АДАБИЙ-НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ	11
1.1	Ўқув дастурлари ва дарсликларда адабий-назарий тушунчаларнинг ўрни	14 - 25
1.2	Ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш илмий-методик муаммо сифатида	19
II БОБ	АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	28
2.1.	Адабий-назарий тушунчалар ва ўқувчиларнинг ифодали ўқиш малакалари	32
2.2.	Академик лицейларда фольклор асарларини ўрганиш жараёнида адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштириш усуллари:	57
3 БОБ.	ФОЛЬКЛОРГА ОИД АДАБИЙ-НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	
3.1	Адабий-назарий тушунчаларни ўрганишда педагогик технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари.	62
3.2	<i>3.2. Эпик асарлар таҳлили орқали назарий тушунчаларни шакллантириш</i>	67
3 БОБ	Тажриба-синов ишлари натижалари	70
	Умумий хулоса ва тавсиялар	74
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	77

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожининг аъзолари орасида, айниқса, уларнинг онгида, маънавиятида жиддий ўзгариш ва янгиланишлар бўлаётганлигини кўрсатиб турибди. Айни пайтда бу ўзгариш ва янгиланишларнинг барчаси ҳам бирдек ижобий баҳоланиши қийин. Айниқса, ёшлар орасида бу жараённинг анча ўзига хос тарзда кечаётганлиги ҳам сир эмас. Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, **«Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин»¹.**

Шунга кўра ҳам тарбия масаласи бугун ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳимроқ ва амалий-ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб турибди. Худди шунинг учун ҳам тарбияни таълимнинг ҳамма босқичлари: мактабгача тарбиядан бошлаб олий таълимгача бўлган босқичлари учун жорий этиладиган мазмуни ва шакллари борасидаги тавсияларга зарурат ва эҳтиёж очиқ сезилиб турибди.

Тарбиянинг асосий мақсади ўзида миллийлик ва умуминсонийликни тўла мужассамлаштирган, ҳар томонлама ривожланган, юксак маънавиятли, оламдаги ҳамда атрофдаги ҳодисаларга ҳар доим ижодий муносабат билдира оладиган шахсни тарбиялашдан иборатдир. «Қадрлар тайёрлаш миллий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.4-бет.

дастури»да баркамол авлодни, рақобатбардош мутахассисларни тарбиялашнинг ниҳоятда долзарб ва жиддий муаммолари кун тартибига қўйилганлиги бежиз эмас.

Бу вазифани бажариш учун бутун таълим-тарбия жараёни, барча ўқув предметлари сафарбар қилинган. Демак, уларнинг орасида адабиёт, халқ оғзаки ижоди сингари фанлар ҳам турибди.

«Аслида адабиёт ўқитишнинг бош йўналиши таълимнинг турли босқичларида ўқувчилар онгига бадиий асарнинг мўъжизакор таъсир кучини амалий жиҳатдан таъминлашга қаратилган. Мактабгача тарбия муассасалари, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар таълимидаги адабий таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигининг натижаси ўсиб келаётган ёш қалбда гўзалликка бўлган ижобий ва ижодий муносабатни шакллантиришдан, уларга бадиий асарга – китобга бўлган меҳр ва муҳаббатни ўстиришдан, буларнинг замирида эса ундаги бадиий-эстетик дидни такомиллаштиришдан иборат»¹.

Ушбу жараёнда ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчалар билан қуролланиб, бадиий адабиётнинг сўз санъати сифатидаги моҳиятини онгли равишда идрок этишлари, шу санъат бағрига яширинган улкан маънавият хазиналарининг калитларини қўлга киритиш ниҳоятда катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Маълумки, бугунги кунда мустақиллигимиз шарофати билан адабиёт дарсларининг мазмуни ва шакллари кескин ўзгарди, у собиқ мафкуравий сарқитлардан тобора озод бўлиб бормоқда. Бу йўлдаги янгиланиш ва изланишлар ўзининг барқарор ўзанини топиб бормоқда. Энг муҳими, дарсда ўқитувчининг якка ҳокимлигига барҳам берилди, ўқувчи билан ўқитувчининг ўзаро тенг даражадаги ҳамкорлиги устувор мавқе тута бошлади, ўқувчи таълим-тарбия жараёнининг объектидан унинг субъекти даражасига кўтарилди.

¹ Б.Тўхлиев. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010, 8-9-бетлар.

Энг муҳими шуки, ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолияти унинг камолотидаги муҳим ва асосий таянч нуқтаси эканлиги бугунги педагогикада тўла эътироф этилди.

Бундай шароитда ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билимларни, кўникма ва малакаларни зуғум остида, мажбурият остида эмас, балки ўз шахсий изланишлари, интилишлари натижасида эгаллай боради. Ихтиёрийлик эса кўнгилга ўзгача тасалли ва хузур, кўтаринкилик беради.

Шунга карамай, бадий адабиётнинг ўзини ўқиш билангина ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш мумкин эмас. Бу ходисаларнинг моҳиятини англаш, уни тўла тушунишигина адабиётнинг сўз санъати сифатидаги хусусиятларини тўла идрок ва тасаввур этишга имкон яратади.

Шунинг учун ҳам адабий таълим жараёнида адабий-назарий билимларга, улар билан боғлиқ тушунчаларга алоҳида эҳтиёж сезилади.

Бизда адабий таълимнинг у ёки бу муаммоларини ёритиш жараёнида ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчаларини шакллантириш ва кенгайтиришга оид айрим ишлар яратилган. Айниқса, В.В.Голубков, А.Б.Есин, В.Кудрявцев, В.Маранцман, Н.Мочалова, А.Матюшкин, О.Ю. Богданова сингари рус олимлари, Қ.Ахмедов, Т.Бобоев, С.Долимов, А.Зуннунов, С.Исматов, Қ.Йўлдошев, С.Матчонов, М.Мирқосимова, Р.Ниёзметова, Б.Тўхлиев, Н.Ҳотамов ва Қ.Хусанбоева каби ўзбек олимлари яратган қатор тадқиқот ишларида ҳам ўқувчи-ёшлар маънавиятини, улардаги адабий-таҳлил малакаларини шакллантиришда адабий-назарий тушунчаларнинг ўрни ва аҳамияти анча батафсил кўрсатиб берилган.

Аммо, академик лицей ўқувчиларининг адабий-назарий тушунчаларини фольклор асарлари мисолида шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси адабиёт ўқитиш методикаси фанида алоҳида, махсус илмий-тадқиқот иши сифатида ўрганилган эмас. Буларнинг барчаси танлаган мавзу ва муаммомизнинг - ушбу тадқиқот ишининг ниҳоятда долзарб эканлигини асослайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Адабий-назарий тушунчалар адабиётшуносликда кенг ўрганилган. Аслида адабиётшуносликнинг бош

муаммоси ҳам мана шу деб айтиш мумкин. Аммо методика соҳасида бу муаммонинг анчайин эътибордан четда турганлигини айтиш жоиз. Гарчи ёзма адабиёт мисолида бу муаммо бир қадар кун тартибига тушган бўлса-да, фольклор намуналари асосидаги тадқиқотлар мавжуд эмас. Биз бу борада иккита ишни алоҳида кўрсатишимиз мумкин. Улардан бири профессор А.Зуннунов ва филология фанлари номзоди Н.Ҳотамовларга тегишли бўлиб, “Мактабда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш” деб номланади. Иккинчиси эса, Т.Бобоевнинг “Шеър илми таълими” деган китобидир. Уларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганишга оид қимматли мулоҳазалар билдирилган. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур тадқиқотлар адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси бўйича амалга оширилган энг йирик ҳажмли, назарий мулоҳаза ва амалий тавсияларга бой ишлар сифатида эътирофга сазовор. Аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам асосан мактаб таълимига таянади. Уларнинг иккаласида ҳам танланган материаллар асосан ёзма адабиёт билан чекланади.

У.Н. Марасулованинг «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари» мавзусидаги номзодлик диссертациясигина шу мавзуга бағишланган. Биз унинг бир қатор мақола ва китоблари билан танишиб чиқдик. Хусусан, «7-sinf adabiyot darslarida she'r tahlili orqali nazariy bilim berish»¹, «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари»², «Ўқувчиларга назарий билим бериш усуллари»³, «Шеъринг нутқ услуби»⁴, «Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришда адабий-назарий тушунчаларнинг ўрни»⁵ сингари мақола ва рисолаларида бу муаммо тегишли тарзда таҳлил этилган.

¹ Marasulova U. 7-sinf adabiyot darslarida she'r tahlili orqali nazariy bilim berish»¹. //Uzluksiz ta'lim. Ilmiy-uslubiy j. – T.: 2006. 6-son, 35-38 betlar.

² Марасулова У. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Методик қўлланма. – Т.: 2006. 30 бет.

³ Марасулова У. Ўқувчиларга назарий билим бериш усуллари. //Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. Илмий-методологик ва илмий-услубий журнал. – Т.: 2006. 3-сон, 105-107 бетлар.

⁴ Марасулова У. Шеъринг нутқ услуби. ТДПУ, Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасининг илмий тўплами: Бадиият жилolari. – Т.: 2006. 81–87 бетлар.

⁵ Марасулова У. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришда адабий-назарий тушунчаларнинг ўрни. //Узлуksиз таълим. Илмий-услубий журнал. – Т.: 2007. 1-сон, 62-69 бетлар.

Аmmo уларда муаллиф кўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, асосан, ёзма адабиёт намуналарига эътибор берган. Демак, бу иш ҳам мактаблар тажрибасига таянади, унда фольклор жанрларига, умуман, халқ оғзаки ижоди намуналарига махсус эътибор берилган эмас. Зеро, бу тадқиқотчининг мақсад ва вазифалари сирасига киритилгани ҳам йўқдир.

Кўришиб турибдики, фольклор асарлари воситасида ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчаларини шакллантиришга оид ишлар адабиёт ўқитиш методика соҳасида амалга оширилган эмас. Бу нарса тадқиқотимиз мавзусининг алоҳида долзарбликка эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Тадқиқот мақсади: Академик лицейлар ўқувчиларига фольклор асарлари мисолида адабий-назарий билим бериш тизимини ишлаб чиқиш ва уни илмий-методик жиҳатдан асослаш, бу борадаги илғор ва самарали иш тажрибаларини умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

1. Академик лицейларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммосининг ўрганилганлик даражасини аниқлаш.

2. Фольклор асарлари таълими жараёнида назарий тушунчаларни шакллантиришнинг илмий-педагогик жиҳатларини белгилаш.

3. Академик лицейлардаги «халқ оғзаки ижоди» фанини ўрганиш жараёнида назарий билим бериш йўллари билан ўқувчиларни адабий таҳлилга йўллаш ва уларда бадиий асарларни мустақил ўрганиб, таҳлил қилиш малакасини шакллантиришнинг илмий-методик хусусиятларини очиш.

4. Ўқувчиларга адабий-назарий билимлар беришнинг илғор ва самарали иш тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг моҳиятини ёритиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1. Академик лицейларнинг «халқ оғзаки ижоди» фани воситасида ўқувчиларда адабий-назарий билимларни шакллантиришнинг методик асослари очиб берилди.

2. Академик лицейларда халқ оғзаки ижоди билан алоқадор бўлган адабий-назарий тушунчалар тизими аниқланди.

3. Назарий билимлар беришда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларининг амал қилишидаги ўзига хосликлар муайянлаштирилди.

4. Фольклор асарларини ўрганиш жараёнида адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштиришга имкон берадиган педагогик технологияларнинг моҳияти кўрсатиб берилди.

5. Бу борадаги янги ва яхши иш тажрибалари ўрганилди, уларнинг асосий моҳияти ёритилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти: мазкур тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти шундаки;

– фольклор асарлари мисолида ўқувчиларда назарий тушунчаларни шакллантиришнинг методик асослари аниқланди;

– бу борадаги яхши иш тажрибалари ўрганилди, уларга асосан адабий-назарий тушунчаларни шакллантиришнинг шакл ва усуллари белгиланди;

– муаммога оид дарс ишланмалари яратилиб, адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштиришда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: магистрлик диссертациясида академик лицейларда ўрганиладиган «Халқ оғзаки ижоди» ўқув предмети воситасида ўқувчиларида адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг яхлит тизими ишлаб чиқилди. Улардан бевосита иш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Хусусан, келтирилган дарс ишланмалари бевосита амалиётга татбиқ этилиши мумкин.

Ундаги материаллардан кўргазмали қуроллар яратишда, мавзулар моҳиятини ёритишда қўллаш имконлари мавжуд. Буларнинг барчаси

- 1) Дарс машғулотларини мазмунли ташкил этишга қулайликлар беради;
- 2) Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлари учун шароит яратиш имконини беради;
- 3) Энг муҳими, ўқувчиларнинг фольклор асарлари онгли ва чуқур таҳлил қилишларига тегишли методик шароитларни яратади;

4) Буларнинг натижасида ўқувчиларнинг фақат фольклор асарларинигина эмас, балки умуман, бадиий асарни тушуниш ва ҳис этишга оид кўникма ва малакалари баркамоллашади.

Тадқиқот натижаларидан академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларинигина эмас, балки Республикамиздаги умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежларининг ўқитувчилари ўзларининг иш тажрибаларида фойдаланишлари мумкин.

Натижаларининг жорий қилинганлиги. Тадқиқот натижалари Республика илмий-амалий анжуманларида (Тошкент – 2011 й), Тошкент давлат педагогика университети илмий тўпламида (2011 й) чоп этилган илмий мақолалар орқали амалиётга татбиқ қилинган.

Тадқиқот методлари: анкета-сўров, кузатиш, суҳбат, назарий-мантикий таҳлил, таққослаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, педагогик тажриба.

Тадқиқот босқичлари: тадқиқот уч босқичда амалга оширилди.

Тадқиқотнинг **назарий-изланиш босқичи** (2008-2010 йиллар)да фалсафий, педагогик, методик йўналишдаги назарий адабиётлар билан танишилди. Шунингдек, академик лицейлар ўқувчиларида адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш муаммосига алоқадор бўлган методика фанидаги илмий қарашлар ўрганилди, умумлаштирилди ва қиёслаб таҳлил қилинди.

Тажриба-синов босқичларида (2010-2011 йиллар) ТДПУ қошидаги Академик лицейда; Тошкент юридика институти қошидаги академик лицейда, Жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицейда тажриба-синов ишлари олиб борилди, натижалар таҳлил қилинди ва ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш мақсадида педагогик тадбирлар амалга оширилди.

Шу мақсадда 50 соат дарс кузатилди, анкета сўровномалари ўтказилди. Республика таълим тизимидаги ушбу муаммога дахлдор умумий ҳолат ўрганилди, зарур ўринларда методик тавсиялар ишланиб, адабиёт

ўқитувчиларига тақдим этилди. Шулар асосида тажриба синов ишлари давом эттирилди, илмий-методик мақолалар чоп эттирилди.

Умумлаштирувчи босқич (2011 йил)да ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари таҳлил қилинди, умумлаштирилди. Тегишли якуний хулосалар чиқарилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳимояга қуйидаги ҳолатлар олиб чиқилади:

1. Академик лицейларда бевосита халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ бўлган адабий-назарий тушунчаларни шакллантиришнинг методик хусусиятлари.

2. Фольклор асарларини ўрганишда таянилиши зарур бўлган назарий билимлар мазмуни ва меъёри.

3. Мавзуга оид дарс ишланмаларига қўйиладиган талаблар ва уларнинг намунасини яратиш.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 82 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АДАБИЙ- НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўқув дастурлари ва дарсликларда адабий-назарий тушунчаларнинг ўрни

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суяк-суягига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда»¹. Бунда халқ руҳиятига халқ оғзаки ижодининг кучли таъсирини инкор этиб бўлмайди. Демак, фольклор асарларини ўрганиш унинг замиридаги буюк тарбиявий таъсир кучини ўрганиш демакдир.

Мазкур жараёнда адабий-назарий тушунчаларни ўрганишнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти мавжуд. Зеро, адабий-назарий тушунчалар адабий асар мазмуни ва моҳиятини тўла ва тўғри идрок этишга, уларнинг мағзини чақишга, улардан завқ ва ҳузур олишга пухта замин яратади.

Шундай экан бу муаммолар бизнинг меъёрий хужжатларимзда қайтарзда ўз аксини топган?

ДТС ва ўқув дастурлари бу ҳақда шундай маълумотларни беради:

№	Мавзуларнинг номланиши	Маъруза	Семи-нар	Амалий тадбирлар	Жами
1	2	3	4	5	6
1	Президент И.А.Каримов халқ ижодиёти кадриятлари ҳақида, Ўз асарларида берган				

1. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, «Маънавият», 2008, 7-бет.

	баҳолари	1	1		2
2	Ўзбек халқ оғзаки ижодининг Ўзига хос хусусиятлари, мақсади ва вазифалари	1	1	1	3
3	Энг қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари, мифлар, уларнинг хусусиятлари	2			2
4	Халқ оғзаки ижоди жанрлари, уларнинг таркиби.	1	1		2
5	Ўзбек халқ мақоллари	1	1		2
6	Ўзбек халқ топишмоқлари	1	1		2
7	Ўзбек халқ латифалари ўзбек халқ лофлари	1	1		2
8	Афсона ва ривоятлар, уларнинг хусусиятлари	2			2
9	Ўзбек халқ эртаклари, уларнинг турлари	2	1		3
10	Ўзбек кўшиқлари, уларнинг хусусиятлари	1	1		2
11	Халқ термалари, уларнинг хусусиятлари	1	1		2
12	Ўзбек халқ дostonлари, уларнинг хусусиятлари	2	1	1	4
13	«Алпомиш» дostonи, унинг Ўзбек халқ миллий маданиятидаги ўрни, образлар таҳлили	2	1	1	4
14	Ўзбекистонда дostonчилик анъаналари, дostonчилик мактаблари, уларнинг хусусиятлари	1	1	1	3
15	Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳақида маълумот. Фозил Йўлдош ўғли ҳақида маълумот.	1			1
16	Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ҳақида маълумот. Ислom шоир Назар ўғли ҳақида маълумот	1			1
17	Болалар фольклори, унинг Ўзига хос хусусиятлари	1			1
18	Ўзбек маросим фольклори	1	1		2
19	Ўзбек фольклори намуналарининг энг қадимги ёзма манбаларда ифодаланиши	1			1
Жами		22	11	7	40

Демак, академик лицейларда халқ оғзаки ижоди ўқув предмети учун 40 соат ажратилган. Мазкур 40 соат давомида ўрганилиши лозим бўлган мавзулар рўйхати юқорида келтирилди.

Таълим тизимида ўқитишнинг асосий воситалари: дарсликлар, методик қўлланма ва тавсиялар ҳисобланади. Ўқув дастурлари эса таълим мазмунини маълум меъёрга солувчи ҳужжатдир. Айни пайтда, адабиётдан ўқув дастури мустақил фикрли, гўзалликни ҳис қилиб, ундан завқ туя биладиган, бадиий сўзни, сўз санъатини тушунадиган, эркин тафаккурли шахсларни шакллантиришга хизмат қилувчи, ана шу мақсадни амалга ошириш имконини берувчи кўрсатмалар йиғиндисидан таркиб топган.

Амалдаги ўқув дастурида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар ҳам белгиланган. Улар мактабларнинг ҳар бир синфи, академик лицейларнинг ҳар бир босқичи бўйича алоҳида-алоҳида кўрсатилган. Мазкур талаблар ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ўрганилиши кўзда тутилган асарнинг таълимий-педагогик жиҳатларини назарда тутди. Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини аниқлашга бўлган талабларда эса асосий эътибор бадиий матннинг санъат асари сифатидаги ўзига хослигини тушунтиришга қаратилган.

Дастурдаги талаблар, одатда, ДТС кўрсаткичларидан бир мунча юқорироқ бўлади. Гарчи дастур кўрсатмалари барча учун бир хилда ифодаланган бўлса-да, оғзаки ижоднинг ҳар бир жанри, ҳар бир асарга боғлиқ бўлган мавзуларни ўрганишда ўқитувчининг ижодкорлиги учун ҳам катта майдон мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Бугунги таълим жараёни ўқувчиларнинг мавзу ва ҳажмига кўра ранг-баранг бўлган жанрлардаги бадиият дурдоналари билан танишишини назарда тутди. Улар ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлашларини шакллантириш ва ривожлантириш учун муҳим бир омил вазифасини адо этади. Фольклор асарлари ҳам ўқувчиларнинг умумий адабий таълимидаги

таркибий бўлак сифатида, уларнинг бадиий-эстетик дидларининг камол топиши учун хизмат қилади.

Уларни ўрганиш асосида ўқувчи фольклор намуналарининг маърифий, бадиий-эстетик жиҳатларини англаб, ҳис этиб боради. Айниқса, фольклордаги ўзига хос тасвир усулларининг, ҳаётий қарашларнинг амал қилиши уларнинг мазмун ва моҳиятини тўла ва тўғри идрок этишга замин ҳозирлайди.

Натижада, ўқувчи ҳар бир асарнинг пайдо бўлиши, унинг жамият ҳаётида, алоҳида олинган шахс тақдиридаги ўрни ва аҳамиятини тушуна боради. Бу жараёнда уларга фольклор асарларининг шакли, тузилиши, тасвир принциплари, тасвир воситалари сингари адабий-назари тушунчаларни ўрганиш ҳам ёрдам беради.

Адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш соф назарий йўсинда эмас, балки алоҳида олинган мавзулар, асарлар билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Масалан, болалар 5-синфда адабиётнинг сўз санъати эканлигини халқ оғзаки ижоди тушунчасини ўзлаштириш орқали; мақол ва топишмоқлар, эртак, эртак-достон ҳақидаги назарий тушунчаларни ўзлаштириб, тушуниб боради.

5-синф дарслигида «образли фикрлаш» деган тушунча берилган. Уни тушунтириш учун болаларнинг содда тасаввурлари эса олинган. Шу ерда эртакларнинг қизиқарлилиги, уни ўқиётган кишининг «ўзини «худди уларнинг иштирокчисидек ҳис этиш»и кўрсатиб берилган¹.

Инсон орзу-умидлари билан реал ҳаёт орасидаги айирма бадиий фантазияни келтириб чиқаради. Китобда бу ҳолат эртак, афсона, ривоят тушунчалари орқали ифодаланган. Улар воситасида эса «демак, адабиёт инсоннинг орзу-хаёли, умид ва армонглари, олам ва одам тўғрисидаги тушунчаларини бадиий сўз ёрдамида ифода этиш экан. Адабиётнинг асосий ифода воситаси эса бадиий сўз хисобланаркан» деган хулосалар чиқарилган. “Мақоллар” мақоласини ўрганиб, оғзаки ижоддаги бу жанрнинг асосий хусусиятлари ҳақида тушунча бериш; “Халқ оғзаки ижоди тушунчаси”

¹ S.Ahmedov, B.Qosimov, R.Qo'chqorov. Sh.Rizaev. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi jchjn darslik/ - Toshkent, "Sharq", 2007, 4-бет

мақоласи асосида эса бадиий адабиётнинг бу тури ҳақида маълумот бериш, “Топишмоқлар” мисолида шу жанр ҳақида ихчам назарий маълумот бериш; “Тўмарис” ва «Широқ» ривоятларини ўрганиб, бу тушунчаларни шакллантириш; “Уч оға-ини ботирлар”, «Сусамбил» эртакларини ўрганиш давомида эртак ҳақида назарий маълумот бериш кўзда тутилган.

Ўқувчилар адабий таълимга оид қуйидаги кўникма ва малакларни эгаллашлари керак:

- адабий-бадиий матнларни тўғри, тез ва ифодали ўқий олишлари;
- ҳар бир синф даражасида 4-5та матнни ёддан айта олишлари;
- адабий асар мазмунини англаган ҳолда қайта сўзлаб беришлари;
- берилган адабий ва ижодий мавзуларда оғзаки ҳамда ёзма тарзда мустақил фикр юрита олишлари;
- ўқиган асарлари ҳақидаги тасаввур ва таассуротларини ифодалай олиши;
- берилган адабий ва ижодий мавзуларда мустақил равишда режа тузиш ҳамда шу режа асосида иншо ёза олишлари;
- адабий қаҳрамонларнинг етакчи хислатларини ёритиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига ўз муносабатларни билдириш, асардаги факт ва материаллар асосида ўз нуқтаи назарини асослай олиш;
- адабий-назарий ҳодисалар моҳиятини тўғри илғаш ва уларга боғлиқ тушунча ва билимларини ўрганилаётган асарга татбиқ эта олиш;
- адабий-тарихий даврларга ва адиблар ижодига тўғри баҳо бера олиш;
- бадиий асар тилидаги ўзига хосликларни илғаш ва уларни изоҳлай олиш»¹.

¹ Адабий таълим давлат стандарти. Муаллифлар: филология фанлари докторлари, профессорлар Тўхлиев Б., Каримов Б. Тошкент, 2009, 4-5-бетлар.

Ўқувчидан лирик асарни тушуниб ўқиши талаб қилинар экан, аввало, ўқувчига лирик асарга хос энг асосий хусусиятлар ҳақида назарий билим бериш лозим. Агар боладан бадиий асарда тасвирланган асосий воқеани аниқлай олиш ва воқеалар ичидаги қаҳрамонлар муносабатини белгилай билиш талаб қилинса, унга насрий асарларга хос нутқ қурилиши, сюжет ва композиция унсурларининг бадиий хусусиятлари билан вазифаси ҳақида билим бериш жоиз. Умуман, 5-синфдан бошлаб ўқувчида шакллантирилиши лозим бўлган назарий тушунчалар маълум тартиб, меъёр ва изчилликда бериб борилган.

6-синфда ўқувчилар адабий эртақлар, масал ҳақида тушунча; рамзий образлар, достон (поэма) жанри ҳақида; бадиий асар тили, риторик сўроқ усули, бадиий асарда кулгу-ифода воситаларидан бири эканлиги тўғрисида; шеърий нутқ услуби ҳақида назарий маълумот бериш кўзда тутилган.

7-синф ўқувчиларининг билиши керак бўлган талаблар сирасига эса:

– бадиий асарда тасвирланган воқеа ва қаҳрамонларнинг узвий алоқада эканлигини;

– дарс жараёнида ўрганилган қўшиқ, топишмоқ, латифа, ҳажв, ҳикоя, зарбулмасал, маснавий, қисса, достон, адабий эртақ сингари адабий жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини;

– қофия, сюжет, ташбеҳ, ўхшатиш, жонлантириш каби бадиий восита ва унсурларнинг ўзига хос жиҳатларини;

– адабий қаҳрамонларнинг етакчи фазилатларини тасвирлашни билиш, сингарилар киритилган.

Демак, 6-7-синф ўқувчилари бадиий асар қурилиши тўғрисида яхлит билимга эга бўлишлари зарур экан, чунки асарда тасвирланган воқеа ва қаҳрамонларнинг узвий алоқада ёритилиши асарда маълум сюжет ва композицион яхлитликни, изчилликни, тасвир қамровини талаб этувчи маълум бадиий қурилмага мувофиқ юзага келади. Асарнинг ана шундай ички қурилишини тушунсагина, ўқувчи шу “қурилишни” тасаввур этган ҳолда қаҳрамонлар ҳақида мантиқли фикр юритади, асарни таҳлил қилиш учун

тўғри йўналиш олади. Зеро, аниқ тасаввурдан аниқ фикр ва мулоҳаза юзага келади. Ана шуни назарда тутган ҳолда адабиёт ўқитувчиларининг ўқув дастурида алоҳида мавзу сифатида кўрсатилмаган бўлса-да, 5-синфдан бошлаб сюжет ва композиция ва уларнинг вазифасини, уни шакллантиришда эпизод ва алоҳида олинган қаҳрамон (персонаж)нинг ўрни ва аҳамияти, бажараётган вазифаси тўғрисида назарий тушунчаларни шакллантириб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Адабий жанрлар билан бадиий тасвир воситалари ҳақидаги тушунчаларни ҳам ўқувчи ўзаро узвий боғлиқлик ҳамда изчилликда ўзлаштириб бориши зарур.

Адабиётдан ўқув дастури ва дарсликда 8-синфда классик адабий жанрлар, шеърӣ санъатлар тўғрисидаги назарий маълумотлар билан бирга, бевосита халқ оғзаки ижодидан «Кунтуғмиш» достонини ўрганиш режалаштирилган.

Шу йўналишда «халқ достонларининг миллат руҳиятини акс эттиришдаги ўрни. Халқ эпик достонларининг турлари. Туркий достончиликнинг дунё достончилиги ривожидан тутган юксак мавқеи» ҳақида ҳам маълумот бериш кўзда тутилган.

Бу ерда бир қатор назарий тушунчаларнинг ўрганилиши кўзда тутилади. Жумладан, сюжетнинг саргузаштларга бойлиги, Кунтуғмиш, Холбека, Гуркибой, Моҳибой, Буврахон, Азбархўжа, Қосим, Холмўмин, чўпон образларининг ўзига хослиги, достоннинг бадиий хусусиятлари, достоннинг шаклий тузилиши ҳақидаги маълумотлар талаб этилади.

Мумтоз адабиёт намуналари асосида ирсоли масал, тажнис ва туюқ ҳақида берилиши лозим бўлган маълумотларни фольклор асарлари орқали янада кучайтириш мумкинлигини таъкидлаш ўринли кўринади.

VIII синф ўқувчиларида шакллантирилиши лозим бўлган кўникма ва малакалар рўйхатида:

Ўқувчилар билиши керак:

- бадиий асардаги бош ғояни, образлар орлами, характерлар бадиийлиги ва ҳаётийлиги даражасини;

- шеърӣ асарларнинг эстетик қимматини образли ифода усулларини;
 - қофия, ирсоли масал, нома, диалог, туюқ каби ифода воситалари ва усулларининг тасвирдаги аҳамиятини;
 - ўрганилаётган асарнинг қайси тур ва жанрга мансублигини;
 - асарнинг жанр хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ифодали ва таъсирчан ўқишни;
- Шеърӣ санъатлар ва бадий унсурларни айриб олишни» билиши кераклиги алоҳида кўрсатилган. Табиийки, бундай билимларни эгаллашда фольклор асарларининг ўрни ва аҳамияти ҳам катта..

9-синфда ҳам ўқувчилар оғзаки ижод намуналарига хос хусусиятларни ўрганишда давом этиб, бу борадаги назарий билимларини янада кенгайтириш ва тизимлаштириш имконига эга бўлади.

«Алпомиш» достони мисолида ўзбек миллий руҳияти ва урф-одатлари тасвири, юксак инсоний фазилатларнинг асар образлар тизимидаги акс этиши, дostonдаги тасвир типлари, халқ дostonлари ва уларнинг турлари ҳақида маълумотлар бериш кўзда тутилади.

Кўришиб турибдики, ўқувчилар умумий ўрта таълимда фольклор асарларида ҳақида дастлабки умумий маълумотларга эга бўлишади, фольклор асарларининг энг сара намуналари билан қисқача танишиб улгуради. Улар асосида эса фақат фольклорга эмас, балки умуман, бадий адабиётга хос бўлган айрим адабий-назарий тушунчаларнинг ўзлаштирилишига ҳам дастлабки асос қўйилади.

Буларнинг барчаси ўқувчиларда бадий асарни таҳлил қилишнинг умумий асослари, етакчи тамойиллари билан танишиш имконини беради, энг муҳими, улардаги бадий-эстетик дид камол топиб боради. Натижада, академик лицейларда уларнинг адабий-назарий тушунчаларини бевосита фольклор асарлари асосида такомиллаштиришнинг илмий-назарий ҳамда методик асосларига таянган ҳолда, уларни янада юқори поғоналарга олиб чиқиш имкониятлари юзага келади.

1.2. Ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш илмий-методик муаммо сифатида

Бадиий асарнинг ўзинигина ўқиш билан уни атрофлича идрок этиш, тушгуниш, табиийки, атрофлича таҳлил этиш мумкин эмас. Бунинг ёнида асарнинг асл моҳиятини, ундаги бадиийликни юзага келтираётган ва таъминлаётган омилларнинг ўзига хос тарздаги амал қилиш қонуниятларини ҳам билиш талаб этилади. Адабиётшунос олимларимиз бу борада жуда кўпдан бери бош қотириб келишади.

“Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз”¹. Демак ўқувчи ёшларнинг тафаккурини кенгайтиришда, уларнинг соғлом турмуш тарзини эгаллашларида ижтимоий-маънавий ҳодисалар, жумлодан, фольклор асарларининг ўрни ва имкониятларини ҳам ҳеч ким инкор эта олмайди.

Фольклор намуналари ҳам худди бошқа ажабий асарлар сингари ўқувчиларни мустақил фикрлашга, мулоҳаза қилишга, ўйлашга, ҳодисалар мантиғига таяниб туриб тўғри ва асосли хулосалар чиқаришга ундайди. Аммо уларнинг ўз-ўзича амалга ошиши мумкин эмас. Бунинг учун ҳам узок муддатли мунтазам ва тизимли ишлар амалга оширилиши шарт.

Соғлом туғилган бола ота-оналари, катталар, тенгдошлари билан, атрофидагилари билан млоқот жараёнида фикрлашга оид кўникма ва малакларни эгаллай боради. Академик лицей даврида эса улар бу борада катталарга яқин келиб қолади. Демак, бундан кейинги фикрий тадриж уларга яратиладиган педагогик-дидактик шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Ўқувчи-ёшлар учун соғлом ижодий муҳит ташкил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон фольклори асарларидан мунтазам баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бу йўлдаги асосий

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008, 7-бет.

омиллардан бири бўла олади.

Ижодий фикрлаш ўз-ўзидан юзага келмайди. Бунинг учун қулай шарт-шароит зарур бўлади. Бу йўлдаги биринчи қадам эса, кашфиётчилик, ижодкорлик муҳитини юзага келтириш шарт. Ана шу шароитдагини ўқувчилар тегишли билим ва малакага эга бўлишади. Бунда улар фақат адабий ҳодисанинг ўзи билан эмас, балки унга оид назарий тушунчалар билан ҳам қуролланиб болрганларидагина тегишли самарага эришилари мумкин. Демак, ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантиришнинг адабиёт ўқитиш методикаси соҳасидаги долзарб муаммолардан биридир. Зотан, ўқувчи муайян асарни ўқийди, уни тушунишда эса ўзидаги мавжуд билимларга таянади. Асарни тушуниш эса фақат ўқишнинг ўзи билан чекланмайди, балки уни идрок этиш, асарни қайтадан кашф этиш билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Бунда унинг муҳим ва номуҳимни, асосий ва иккинчи даражали унсурларни ажрата олиш малакаси иш беради. Муҳими, у ўзининг дастлабки адабий тажрибаларини бевосита асарни тушуниш ва талқин қилиш билан уйғунлаштира олиши керак бўлади.

Ушбу жараёнда ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчаларини бойитиш ва такомиллаштиришни кўзда тутган ўқитувчи ўз ўқувчиларининг бу жараёнларни енгилроқ ва осонроқ ўтказишларига яқиндан ёрдам бериши керак бўлади. Зеро, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси билан, академик лицей босқичидаги ўқувчининг ўртасида анчагина фарқлар борлигини диққат марказида тутиш жоиз. Бу босқичда ўқувчиларнинг ёши, интеллектуал имкониятлари, олам ва одамларга қараши, умумий руҳияти, қизиқишлари ва интилишлари ўзига хос бўлади. Яна бир нарса, уларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ҳам тобора аниқлашиб боради. Демак, адабий-назарий тушунчаларни шакллантиришда ҳам шу ўзига хосликларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Академик лицейларда «Халқ оғзаки ижоди» деган махсус курснинг мавжудлиги эса бу ишнинг тизимли тарзда амалга ошириш, анча чуқур ва пухта билимларни бериш имкониятини кафолатлайди.

Умумий ўрта таълим мактабларидаги машғулотлар жараёнида ўқувчиларда адабий турлар ва жанрлар тўғрисида умумий, бир қадар тугал назарий тушунчалар шакллантирилган. Адабий асар тили, бадиий тасвир воситалари, бадиий унсурларнинг вазифасини ўқувчилар бир элементар тарзда тасаввур қила олади.

Академик лицейларда эса манна шу тушунчаларнинг тизимга солинишига, улардаги яхлит адабий—назарий тушунчаларнинг юзага келишига имкон изланиши керак.

Бу босқичда ўқувчиларнинг билимлари алоҳида олинган янги материал ва манбалар асосида ортиб боради, демакки, уларнинг эстетик дидлари ҳам ривожланади, адабий асарнинг сўз санъати сифатида баҳолаш малакалари ҳам такомиллашиб боради.

Иш тажрибасидан шу нарса яхши маълумки, бита асарнинг ҳаммага бирдек манзур бўлиши осон эмас. Ҳар бир ўқувчининг ўз олами, дунёқарashi, бадиий-эстетик диди, адабий тайёргарлиги алоҳида асарларни ўрганишда ўз кучини кўрсатиб туради. Шунинг учун ҳам айни бир асарни айрим ўқувчилар суйиб мутолаа қилишса, бошқалари уни шунчаки, яна бир қисми эса «ўқитувчи учун»гина ўқишади. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи ўқувчисидаги мазкур ҳолатнинг сабабалари билан қизиқиши, уларда ҳосил бўлган тасаввур ва хулосаларнинг манбасини топиши, шунга қараб уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида иш олиб бориши лозим бўлади. Зеро, дунёдаги барча қизиқарли китобларни ўқиш шарт эмас, аммо болаларимиз ўқийдиган китобларнинг барчаси қизиқарли бўлиши шарт.

Бунинг йўлларида бири фольклор асарлари таҳлилида барча ўқувчилар эътиборини тортадаган муаммоли вазиятни юзага келтириш, бунинг учун эса муаммоли саволларни кўпайтириш жоиз. Ўқувчи ўйлашга мажбур бўлса,

фикрий зўриқишни ҳис қилса, ўз-ўзидан бошқа нарсаларни бир четга суриб, асосий муаммо устида бош қотира бошлайди.

Муаммоли саволлар ўзлаштирилган билимлар асосида жавоб беришни тақозо қилиши билан ажралиб туради.

Муаммоли саволлар «Нима учун?», «Қандай тушуниш мумкин?», «Сиз нима деб ўйлайсиз?», «Сабаби нимада?» каби турли шаклларда бўлиши мумкин.

Шунга кўра, муаммоли масалани берилган топшириқни тўғри бажаришга хизмат қилувчи, мақсадга эришишга олиб келувчи, янги, номаълум билимларни эгаллаш эҳтиёжини уйғотувчи амалий ёки назарий масала сифатида баҳолаш мумкин. Халқ оғзаки ижодига оид асарлар таҳлилида бундай ҳолатларни юзага келтириш жуда қулай ва қизиқарли бўлади.

Масалан, «Хунарли киши хор бўлмас» эртагини олиб кўрайлик¹. Унда бир подшонинг ёлғиз ва арзанда ўғли ҳақида ҳикоя қилинади. Шаҳзода қароқчилар қўлига тушиб қолади, бироқ ўз хунари туфайли уларнинг қўлидан омонлик топади. Бу эртак моҳиятини тўла англаш учун албатта қўшимча саволларга зарурат сезилади. Зеро, бу эртак ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан бири бўлган ўз фарзандларига муносиб ном бериш билан бирга, уларга муносиб хунар ўргатиш анъанаси жуда таъсирли тарзда кўрсатиб берилган. Биз иш жараёнида қуйидаги саволлардан фойдаландик:

1. Эртак қандай бошланади?
2. «Арзанда» деган сўзни қандай тушунамиз?
3. Ўғилни хунарли қилиш ҳақидаги маслаҳатни ким берди?
4. Биз вазирни нима учун доно деймиз?
5. Шаҳзода қароқчиларнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолди?
6. Подшо ўғли ҳақидаги хабарни қандай билиб олди?
7. Эртакда қандай халқ мақоли кўлланган?

¹ Абдуллаева Қ., Юсупова М., Раҳмонбекова С. Одобрнома. 2-синф учун дарслик, Тошкент, Ўзбекистон, 2007.45-46-бетлар

8. Илм ва ҳунар ҳақида яна қандай мақолларни биласиз?

Таълим жараёнида берилган топшириқни анъанавий усулларда ҳал этиш мумкин бўлмаса, ҳал этишнинг янги усулини қўллаш зарурияти туғилади. **Муаммоли топшириқ** шу тариқа юзага келади.

Муаммоли таълим бошқа ўқув предметларида бўлгани каби, шубҳасиз, она тилини ўқитиш жараёнини такомиллаштиришда ҳам муҳим йўналишлардан бири бўлиши мумкин. Чунки у ўқувчиларнинг билиш фаолиятини маълум мақсадга йўналтиришга хизмат қилади, дарсга ижодийлик бағишлайди ва охир-оқибатда ўқувчиларнинг ақлий ривожини учун қулай шароитлар яратади.

Умумий кўринишдаги муаммоли таълим деганда, мутахассислар муаммоли вазиятларни ташкил этиш, муаммоларни шакллантириш (ўқувчиларнинг ўзи шунга секин-аста жалб этилади), муаммоларни ҳал этишда ўқувчиларга зарур ёрдам бериш, уларни текшириш, ниҳоят системалаштириш жараёнига раҳбарлик ва олинган билимларни мустаҳкамлаш каби ҳаракатлар йиғиндисини тушунади.

Одатда муаммоли таълимнинг асл моҳиятини маълум (ўқувчилар олдиндан биладиган) ва номаълум (ўқувчилар учун қоронғи бўлган) маълумотлар ўртасидаги зиддиятларни англаш ташкил этади. Муаммоли метод асосида тушуниш ва тушунтириш учун илгариги билимлар етарли бўлмаган, ўқувчига маълум билим, ўқув ва кўникма, янги далил, ҳодисалар ўртасида баъзан очик, баъзан яширин зиддиятни очиш асосий вазифа бўлиб туради. Бу анча жиддийлик касб этувчи ўқув муаммоси ҳисобланади.

Фикримизча, муаммоли таълим ўқувчилар олдига муаммоли савол ёки топшириқлар қўйиш, муаммоли вазият яратиш, муаммоларни мустақил ҳал этиш, изланишга ўқувчиларни жалб қилиш, якуний хулосалар чиқариш каби жараёнларни ўз ичига олади. Ҳар бир эртак, ривоя, мақол, топишмоқ, тез айтишлар ўқувчиларни мана шундай хулосаларга етаклаши керак. Улар ўзбек халқига алоқадор бўлган ҳар бир нарсага ўзини ҳам дахлдор билиши, улардаги яхши, мақтовли нарсалардан фахрланиши, аксинча шу миллат учун

номуносиб бўлган хатти-ҳаракатлар, ҳатто ўй ва мулоҳазалардан ҳам хижолат чекадиган туйғулар эгаси бўлиб етишишлари зарур.

Муаммоли таълимни амалга оширишда ўқитувчи тўғри савол қўя билиши лозим.

Бу ҳар бир ҳодисанинг моҳиятини илғашга унинг сабабаларини топишга, бадиий асар мантиғини топишга ундаб туради. Асар моҳиятини тушунмаслик, мазмун ва мантиқдаги мавҳумлик ўқувчининг асарни суймасликка ундаб туради. Аксинча ҳолатда эса унинг хулосалари ҳам асар мантиқга алоқадор тарзда шаклланади. Демак, ўқувчининг бадиий асарни суймаслигига барҳам берилади.

Назаримизда бу жараёнда:

- А) фольклор асарларини ифодали ўқиш;
- Б) унинг моҳиятини англашга имкон берадиган саволлар тизимини ишлаб чиқиш ва улар устида ишлаш;
- В) асардаги воқеалар, бадиий деталларнинг ўрни ва аҳамиятига оид суҳбатлар ўтказиш яхши самара беради.

Болада аниқ, асосли мулоҳазаларнинг пайдо бўлиши ундаги лоқайдлик ва бепарволикнинг, бадиий асарга нисбатан юзаки қарашнинг барҳам топишига олиб келади. Аслида адабиёт ўқитувчиси кўзлаган асосий марралардан бири ҳам мана шу. Асар матнини ўқиш, унинг асл моҳиятини ўрганиш, унда акс этган бадиий олам сирларини ўзлаштириш, уни бадиий-эстетик тамойиллар асосида таҳлил қилиш, буларнинг оқибатида эса фақат унинг ўзигагина хос бўлган муносабатлар тизимини ҳосил қилиш, энг муҳими, ҳар қандай адабий ҳодисага нисбатан ўз нуқтаи назарини шакллантириш, бу нуқтаи назарни ўз далил-асосларига таяниб баён ва ҳимоя эта олиш, чуқур мантиқийлик ва изчилликка таяниб туриб муҳокама юритиш, керакли ўринларда эса танқидий фикр билдириш, асарни яхлитлигича ёки унинг алоҳида олиган парчаларини эстетик жиҳатдан баҳоловчи ҳукм-хулосалар чиқариш даражасига кўтарилади. Буларнинг ҳаммаси

Ўқувчимизнинг адабий-эстетик диди ва тафаккур тарзининг такомиллашиб боришининг асосий кўрсаткичлари бўла олади.

Бу ерда ҳамкорлик технологиясининг ўрни ва аҳамияти жуда ката эканлигини қайд этиш жоиз. Албатта, ҳамкорлик ўқитувчининг ташаббуси ва раҳбарлигида бўлишига шубҳа йўқ. Фақат бунда раҳбарлик кўзга очик кўринмаслиги, ўқувчининг ташаббусига кенг йўл очиш асосий тамойил бўлиб қолиши керак.

Адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш адабий асардан, адабий асар таҳлилидан ташқарида юз бермайди. Бу бевосита китоб билан, бадиий асар мутолааси билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина амалга оширилади. Демак, бу жараёнда ўқувчи адабий асарни, бизнинг мисолимизда эса фольклор асарларини бевосита ўқиб чиқиши, унда тасвирланган бадиий воқеликни ижодий ўзлаштириши, унинг яхлит ва қимларга ажратилган ҳолда тасаввур этиши, улардан тегишли хулосалар чиқариши, лозим бўлса, ўз нуқтаи назарини билдириши ва ҳимоя қилиши керак бўлади. Бу ўз-ўзидан унинг оғзаки ва ёзма нутқини ҳам сифатига таъсир ўтказади. Бундан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш асосида:

- а) ўқувчи бадиий асарни тушуниш ва ҳис қилишга ўрганади;
- б) ундаги китобхонлик кўникмалари ва маданияти шаклланади;
- в) бадиий адабиётда акс этган ҳодисалар моҳиятини ҳаёт ва бадиият олами билан қиёслаш имконига эга бўлади;
- г) адабий-назарий тушунчаларнинг ҳар бир алоҳида олинган асарга нимсбатан тадбиқ этишдаги ўзига хостликларни илғай боради;
- д) уларда ижодкорлик ва мустақиллик хислатлари ривожланади.

Ҳар бир машғулотни ташкил этишнинг шакл ва усуллари ҳам бу борада яхши омил бўлади. Фольклор асарларани таҳлил қилишнинг муайян мақсад ва вазифалари бўлади.

Алоҳида олинган дарс бу яхлит бутунликнинг фақат бир қисми холос. Демак, яхлит бутунлик мана шу алоҳида олинган қисмлардан таркиб топиб

боради. Биз агар бутун назарий тушунчаларни яхлит бутунлик деб оладиган бўлсак, ҳар бир дарсда унинг қисмлари шаклланиб, бутунликни тиклаб бориши керак. Бунга дарснинг шакли, мақсади вазифаси, методлари, технологиялари, унда қўлланадиган барча дидактик воситалар ҳам йўналтирилган бўлади.

Методист олимлар С.Долимов, А.Зуннунов, Н.Ҳотамов, Қ.Ахмедов, С.Исмаатов, Т.Бобоев, Қ.Йўлдошев, С.Матчонов, М.Мирқосимова, Б.Тўхлиевлар ўз тадқиқот ишларида ўқувчининг билимларини ўзлаштиришдаги фаоллигини оширишда: суҳбат, муаммоли таълим, изланиш, мустақил иш сингари методлар имкониятларга бойлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Педагог олим А.Тожиев “Адабиёт дарсларида суҳбат” номли қўлланмасида суҳбатнинг ўрни ва аҳамиятини курсатиб берган бўлса, А.Зуннунов бу борада предметлар аро алоқаларнинг имкониятларига урғу берган. С.Долимов эса матн устида ишлаш ва шарҳли ўқишнинг афзалликларини кўрсатиб беради. Б.Тўхлиев ифодали ўқиш билан биргаликда, айниқса, шеърий асарларнинг ёд олинишига устуворлик берилишини маъқуллайди. М.Мирқоимова эса ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқувчиларни бадиий аср таҳлилига йўллаш ўзини оқлайди деган қараш етакчилик қилади.

Академик лицейлар босқичида ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчаларини шакллантиришда ДТС, ўқув дастурлари ва дарсликлар қаторида, бевосита фольклор асарларининг ўзига таяниш ёш йўналишни ташкил этиши лозим.

2. Академик лицей босқичига етгунга қадар ўқувчилар умумий ўрта таълим мактабаларида фольклорга оид айрим адабий-назарий тушунчалар билан танишиб, уларнинг моҳиятини ибтидоий тарзда англаган бўладилар.

Навбатдаги босқичда шу билимлар пойдеворига таниш ва уларни янги материаллар асосида бойитиб болриш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Ўқувчиларнинг бадиий асар композицияси ва сюжети ҳақидаги умумий тушунчаларини фольклор асарлари мисолида янада кенгайтириш ва бойитиш имкониятлари пайдо бўлади. Бу имкониятдан унумли фойдаланиш керак бўлади.

4. Ўқувчиларнинг адабий жанрлар ҳақидаги тасаввурлари фольклор асарлари мисолида янада аниқлашади, уларда ҳар бир асарнинг ўзига хос бадиий олами мавжудлиги ҳақидаши тасаввур ва хулосалари қатъийлашади.

5. Умумий ўрта таълим мактабаларидаги адабий-назарий тушунчалар асосан мавзувий-хронологик тарздаги изчилликка таянади. Академик лицейларда эса «халқ оғзаки ижоди»нинг алоҳида ўқув предмети эканлигидан фойдаланиб, бу тушунчаларни яхлит илмий мантиқ ва мантиқий изчилликда ўрганиш имкониятлари пайдо бўлади. Бу ҳолат ўқувчиларнинг фақат фольклор асарларини эсас, умуман, бадиий адабиётни тушуниш, идрок этишлари учун ҳам муҳим омилдир.

5. Адабий-назарий тушунчаларни ҳаёт билан, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси билан алоқадорликда ўрганиш; таълим жараёнларини индивидуаллаштириш; ҳар бир ўқувчининг шахсий-индивидуал имкониятларини эътиборда тутиш, ўқувчилардаги ижодий, яратувчанликка оид фазилатларни ишга солиш адабий-назарий билимларнинг чуқур ҳамда мустаҳкам ўзлаштирилишига ижобий таъсир кўрсатади.

II БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Фольклор асарларини ўрганиш ва адабий-назарий тушунчалар такомили

Бадиий адабиётни таҳлил ва талқин қилишнинг шакл ва усуллари ниҳоятда кўп ва хилма-хил. Шунга қарамай уларнинг барчасини бирлаштириб турувчи бош мезон ҳам мавжуд. Бу бадиийликдир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, айнан ушбу бадиийлик тушунчасининг тушунилиши ва талқин қилиниши бир хил эмас. Йирик адабиётшунос олим Б.Саримсоков ёзганидай: «Бадиийлик – санъатнинг, жумладан, сўз санъатининг асосий, доимий хусусияти. Жуда қадим замонлардан буён ҳозирга қадар кўплаб олимлар бадиийликни хилма–хил талқинлар, таърифу - тавсифлар этиб келишади. Аммо бирон-бир олим бадиийлик ҳақидаги менинг талқиним тўғри, деб даъво қила олмайди. Чунки санъатнинг қони ва жони бўлмиш бу ҳодисанинг сир-синоатлари беадад бўлиб, у ҳар бир давр адабиётида, унинг турли йўналиш ва оқимларида, ҳар бир миллий адабиёт ва унинг айрича олинган намоёндасида ўзига хос тарзда, ўзига хос миқёс ва даражада намоён бўлади.

Бадиийликнинг барча замонлар ва ижодкорлар учун мос келадиган андозалари таърифу талқинлари йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Қолаверса, бадиийликни ҳар бир шахс ўз дунёқараши, ғоявий – эстетик тамойиллари, ҳиссий олами ва билим доирасида идрок этади ва тушунади.

Аммо бу дегани – бадиийлик ҳодисасини ўрганишнинг умуман фойдаси йўқ дегани эмас. Аксинча, ҳар бир санъат турида бадиийликнинг намоён бўлиши, миқёси ва даражаларини бевосита ўша соҳа мутахассислари томонидан мунтазам ўрганилиб бориши зарур»¹.

Бугун – XXI асрнинг биринчи чорагида туриб барча муаммолар қаторига техниканинг, компьютерлаштиришнинг оқибатларидан бири

¹ Саримсоков Б. Бадиийлик мезонлари. 3-бет.

сифатида бадиий асарни ўқишга бўлган интилиш ва рағбатларнинг пасайиб бораётганлиги ҳам мутахассислар томонидан бот-бот тилга олинмоқда. Эндиликда адабиёт ўқитиш, бадиий асарни ўқишга ўргатишнинг энг оммавий, энг замонавий, энг таъсирчан шакл ва усулларини излаш, топиш зарурати ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ бўлиб турибди. Шундай экан, адабиётшунослик фанларини, бадиий адабиётни ўргатишни кўзда тутадиган фан жамият аъзоларига, биринчи навбатда, ўқувчи-ёшларга, талабаларга, қолаверса, шу соҳанинг бўлажак мутахассисларига қайси усуллардан фойдаланиш афзалликларини кўрсатиб бериши, уларнинг олдида сўз санъатини ўқитиш билан алоқадор бўлган ҳолда пайдо бўладиган турли муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам бериши лозим.

Адабиёт туркумига кирадиган фанларни ўқитишнинг назарий муаммолари ҳам оз эмас. Биргина қуйидаги саволлар устида ўйлаб кўрайлик?

Бадиий асарни ўқитиш ва ўргатишнинг асосий мақсадлари сифатида нималар белгиланиши лозим? Болаларнинг қайси ёшида бадиий адабиётнинг қандай намуналарини тавсия этиш мумкин? Ҳар қандай бадиий асарни ўқувчиларга тавсия этиш мумкинми? Ўқувчилар учун муайян бадиий асарни тавсия қилишда қандай «ўлчов бирликларига» таяниш керак? Уларнинг бадиий асарларни тушунишларидаги қандай қирралари биринчи навбатда эътиборда туриши керак? Бадиий асарни таҳлил қилишнинг ҳамма роя этиши шарт бўлган ёки барча бир хилда фойдаланиши мумкин бўлган шакл ва усуллари мавжудми? Уларни танлашда нималарга эътибор қаратиш ўринли бўлади? Умуман, бадиий асар қандай таҳлил қилиниши керак? Бунда ўқувчиларнинг шахсий - индивидуал хусусиятларини эътиборга олишнинг даражалари қандай бўлади?

Кўриниб турибдики, бу саволларга енгилгина жавоб бериш мумкин эмас. У кўплаб назарий муаммоларни билишни, ўрганишни ҳамда ҳал қилишни тақозо этади. Бу муаммоларни бирданига ҳал қилиш бир кишининг қўлидан келмаслиги ҳам аён ҳақиқатдир. Бунинг учун йирик методист олимларнинг жуда катта куч ва ғайратлари сафарбар қилиниши лозим. Шунга

эришиш лозимки, ўқувчи таълим жараёни учун ажратилган вақтдан унумли фойдалана олсин, унинг кучи бадиий асарни ўрганиш учун энг оқилона тарзда йўналтирилсин, буларнинг пировард натижасида эса у бадиий асардаги асосий ва иккинчи даражали, муҳим ва номуҳим ҳодисаларни онгли равишда фарқлай олиш, ажрата билиш кўникма ва малакаларини пухта эгалласин.

Худди шу ерда адабиётшунослик туркумидаги фанларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта эканлигини ҳис этиш мумкин бўлади. Зеро, «Адабиётшунослик бадиий адабиёт ҳақидаги фандир. Адабиётшунослик бадиий адабиётни, унинг моҳиятини, келиб чиқишини ва ижтимоий алоқаларини ҳар тарафлама ўрганувчи фандир; сўз орқали бадиий фикрлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги, бадиий ижоднинг генезиси (негизи, замини) структураси (тузилиши), тарихий-адабий жараённинг локал (маълум жой ва даврга оид) ва умумий қонунлар ҳақидаги билимлар жамидир; бу сўзни торроқ маънода олганда, адабиётшунослик бадиий адабиётни ва ижодий жараённи ўрганишнинг принциплари ва методлари ҳақидаги фандир»¹. Демак, адабиётшунослик туркумига мансуб бўлган фанларнинг қайси босқичда ўқитилишидан қатъий назар, мутахассис адабиётшунослик фанлари назариясидан четда қола олмайди. Уларнинг умумий саноғини И.Султон адабиёт тарихи, адабий танқид, адабиётшунослик методологияси, адабиёт назарияси, адабиётшунослик историографияси, тарзида кўрсатади.

Бадиий асарнинг моҳиятини англаш, биринчи навбатда, уни ҳис этиш билан боғлиқ. Бу ерда адабиёт ўқитувчисининг муайян бадиий асарни таҳлил қилиш, таҳлил жараёнларига ўқувчиларни жалб этиш ва бу жараённинг ичига уларни тўлиғича кирита олиш маҳоратига чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳолат ҳар бир асарнинг жанр хусусиятларини, тасвир принципларини, воситаларини, тегишли адабий-назарий тушунчаларни, синф ва синфдан ташқари машғулотларнинг ўзаро алоқадорлигини, шунингдек, дарс жараёни ва

¹ Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. Qayta ishlangan va to'ldirilgan uchinchi nashri, - T.: O'qituvchi, 2005, 15-bet.

мустақил ишлар уйғунлигини, уларни ташкил этишдаги замонавий илғор методлардан фойдаланишни тақозо этади.

Ушбу жараёнларнинг фақат ўқитувчи эмас, балки ўқувчи шахсига кўпроқ боғлиқлиги ҳам муҳим омиллардан биридир. Агар бўлажак мутахассис эркин, мустақил, ижодий фикр эгаси бўлиб етишмас экан, ўқитувчининг ҳар қандай маҳорати, ҳар қандай замонавий шакл ва усуллар, ҳар қандай замонавий педагогик технологиялар самарасизлигича қолаверади. Демак, таълим-тарбия жараёнларининг инсонпарварлаштирилиши биринчи навбатда, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширишни тақозо этилади.

Бадий адабиёт, жумладан, фольклор асарларининг эндигина шаклланиб келаётган ўқувчи шах-сига кўрсатадиган ахлоқий-маънавий, маърифий, эстетик ҳамда эмоцио-нал таъсирнинг кучайиши адабиёт ўқитиш ишидаги энг муҳим нуқталардан бирини ташкил этади. Бу адабий таълимнинг барча босқичларида узлуксиз тарзда такомиллашиб бориши шарт бўлган жараёндир.

Адабиётшунослик ва уни ўқитиш методикаси мутахассисларининг барчаси бир нуқтада яқдилдир: Адабий асарлар, айниқса, фольклор намуналари ўсиб келаётган ёш авлоднинг шахсияти, маънавий олами, тафаккури, нутқи ҳамда ижодий қобилиятларининг шаклланиши ва ўсишида мутлақо ўзига хос ўрин тутаяди. Бунга у ўзидаги бадийлик туфайли эришади.

«Бадийлик санъатнинг барча турлари учун ҳам хосдир. Бадийлик бўлмаса, санъат яшай олмайди. Бадийликсиз санъатнинг бирор турини тасаввур этиш мумкин эмас. Айни пайтда, санъатнинг ҳар бир турида бадийлик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Уларнинг ҳар бирида бошқалариникига ўхшамаган восита ҳамда имкониятлар мавжуд. Бу жиҳатдан адабиёт мутлақо ўзига хос хусусиятларга эга. Мутахассислар бу ўзига хосликларни атрофлича таъриф ва тавсиф қилиб беришган. «Санъатнинг бош хусусияти сифатида бадийлик воқеликни бетакрор образлар асосида акс

эттиришини, тор маънода эса “бадийлик” санъат асарининг эстетик моҳиятини белгиловчи мезонни англатади»¹.

Маълумки, ўқувчилар академик лицейларга келгунича ҳам адабий-назарий тушунчалар билан қисман танишиб улгуришади. Бу тушунчалар мазмуни ва моҳияти олдинги бобда ўз ифодасини топганлиги учун бу ерда академик лицейларга дахлдор мулоҳазалар билан чекланамиз.

2.2. Адабий-назарий тушунчалар ва ўқувчиларнинг ифодали ўқиш малакалари

Ўқувчи бадий асар матнини ўқиш жараёнида унинг мазмунини ҳам ўзлаштириб боради. Бунда ифодали ўқишнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Ифодали ўқиш биринчи навбатда ўқитувчи томонида амалга оширилиши керак, чунки шахсий намунанинг таъсир кучи ниҳоятда каттадир. Аммо машғулотлар давомида фақат ўқитувчининг ўзигина ифодали ўқиш билан шуғулланадиган бўлса, адабий таълимнинг самараси кутилганидек бўлмайди. Бу борада ўқувчилар ҳам фаолиққа жалб этилмоғи керак. Ўқувчининг ўзи матнни ифодали ўқир экан, у матнда мужассамлашган бадиият оламига ҳам аста секин кириб боради. Ифодали ўқиш - асар бадииятини таҳлил қилишдаги биринчи ва муҳим қадамдир.

Академик лицейларда турли жанрдаги фольклор намуналари ўрганилар экан, ифодали ўқишда ҳам уларнинг жанр хусусиятларига алоҳида эътибор бериш жоиз. Масалан/ мақоллар ҳар доим оғир, босиқ, салмоқли оҳангни талаб этади. Чунки уларда мужассамлашган ҳаётий ҳикматлар моҳиятини англаш учун мақол таркибидаги ҳар бир сўзни, сўз бирикмасини, гап қурилишини ҳам назарда тутиш керак бўлади.

МАҚОЛ – чуқур мазмунли, қисқа ва лўнда, грамматик ва мантиқий тугал маъноли, образли гап кўринишидаги халқ оғзаки ижоди жанри. Улар одатда содда гап кўринишида бўлади.

Ватан гадоси - кафан гадоси.

¹ Саримсоков Б. Бадийлик мезонлари. 4-бет.

Товушқонга туғилган тепаси азиз.

Билдириш учун билиш керак.

Мақолларнинг бошқа кўринишлари эса икки мисрадан таркиб топиши мумкин. Бу ерда ҳам бир қатор ўзига хосликлар кузатилади:

Душман уйида яшагандан,

Дўст уйида ўлган яхши.

Сўзлаганга қарама, сўзлатганга қара.

Биянинг югуриги яхши,

Хотиннинг - эпчили.

Бу мисолларда фикрнинг икки қарама-қарши қутби кўзга ташланади. Уларда мантикий зиддиятлар етакчилик қилади.

Айрим ҳолатларда эса бу икки мисра шеърини шаклга эга бўлиши мумкин:

Ўлимдан аччиқ нарса йўқ,

Шодликдан ортиқ бойлик йўқ.

Дўст билан сирдош бўл,

Ишига доим қўлдош бўл.

Биринчи мисолимизда шеърини ритм мавжуд. Фақат бу ерда қофия сўзлар такроридангина иборат бўлган, холос. Кейинги мисолимизда эса қофия ва радиф мавжуд бўлгани ҳолда, мисрларнинг тенг бўғинлиги бузилган. Демак, бу ҳам халқ мақолларидаги шаклий ўзига хосликлардан биридир. Бундай мисоллар билан танишиш ўқувчиларнинг бармоқ вази хусусиятларини ўрганишларида қўшимча омил вазифасини адо этади.

Кўпчилик ҳолатларда худди шеърини ўзи каби барча талабларга уйғунликлар очиқ кўзга ташланади. Бу тип мақолларда вази, қофия, радиф сингари поэтик унсурлар тўлақонли шакли билан намоён бўлади:

Туғилган ердан кўнгил узулмас,

Юрт кўриганнинг юрти бузилмас.

Ёмғир ёғса, тўнинг хўл бўлар,
Отанг ўлса, уйинг чўл бўлар.

Икки ва ундан ортиқ мисрали мақолларда одатда тўлиқ қофия кузатилади.

Қофия мавжудлиги ва мисраларнинг туроқларга бўлиниши мақолларга ритмик оҳанг бағишлайди.

Айрим мақоллар фақат бош қофиянинг ўзигагина таяниши ҳам мумкин:

Суйган ҳам кўшиқчи,

Куйган ҳам кўшиқчи.

Мақолларда аجدодларимизнинг турмуш тажрибалари, табиат ва жамият ҳодисалари, маънавий-ахлоқий масалалар ҳақидаги хулосалари мужассамлаштирилган. Мақоллар асрлар мобайнида халқ орасида сайқаллашиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган.

Мақолларнинг мавзу кўлами ғоят кенг ва ранг-баранг. Ватан, меҳнат, илм-хунар, севги ва садоқат, дўстлик, хушёрлик, нутқ одоби каби мавзуларда минглаб мақоллар яратилган. Мақол учун мазмун ва шаклнинг диалектик бирлиги, баъзан кўпмаънолилик, ритмик оҳанг, мажозий мазмунга эгалик каби хусусиятлар харагерлидир.

Туркий халқлар мақолларидан илк намуналарни Мамуд Қошғарийнинг «Девону луғот ит-турк» асарида учратамиз. Бу мақолларнинг замонавий вариантлари ҳозир ҳам халқ орасида фаол ишлатилади. Чунончи, М.Қошғарий асарида «Киши оласи ичтин, мол оласи таштин» мақоли халқ орасида «Одам оласи ичида, мол оласи ташида» шаклида қўлланилади. Мақоллар бадий адабиётда фаол ишлатилади, муаллиф ва персонаж нутқининг жонли ва таъсирчан чиқишини таъминлашга хизмат қилади.

Топишмоқларни ифодали ўқиш эса янада бошқачароқ талаблар билан уйғунлашади. **Топишмоқ** – нарса ва ҳодисалар хусусиятларини кўчма маънода, рамз ва ишоралар воситасида баён қилишга асосланган поэтик

жанр. Шунга кўра, уларни ўқишда ҳам бир қатор ўзига хосликларга риоя этиш талаб этилади. Топишмоқлар муайян тингловчилар аудиториясига қаратилган бўлади. Улар ақл-идроқларини ишга солиб, мушоҳада юритиб, нарса ва ҳодисани топишга интиладилар.

Ифодали ўқиш жараёнида мана шу белгиларга алоҳида мантикий урғу тушаётганини билдириб туриш зарурати бор.

Топишмоқлар болаларда нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини тез аниқлаш, уларни чоғиштириш, моҳиятини чуқурроқ англаш, ҳозиржавоблик, тез фикрлаш каби хусусиятларини такомиллаштиради, табиат ва жамият ҳақидаги билимларини оширишга хизмат қилади.

Назаримизда, бу жанрни ўрганиш жараёнида топишмоқларнинг оғзаки адабиётдан ёзма адабиётга ҳам кўчиб ўтганини, натижада уларнинг фард, тўртлик, қитъа ва ғазал шаклида ҳам ёзилиши мумкинлигини тегишли мисолларда изоҳлаб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу анъана замонавий адабиётда ҳам давом этаётганини Қ.Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Ш.Саъдулла, А.Обиджон, Т.Адашбоев сингари ўнлаб болалар шоирлари томонидан яратилган топишмоқлар мисолида далиллаш имкониятлари мавжуд.

Эртак, дoston, лирик кўшиқлар, йиғи-йўқловлар, термалар, лапар ва айтишувларнинг ифодали ўқилиши ҳақида ҳам алоҳида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ТЕРМА – халқ оғзаки ижоди жанри. Атаманинг луғавий мазмуни «танланган», «сараланган», «териб олинган» демакдир. Ўзбек қозоқ, қорақалпоқ, уйғур, қирғиз фольклорида кенг тарқалган ушбу жанрга тааллуқли асарлар панд-насихат, одоб-ахлоқ, ижтимоий-маиший каби мавзуларда яратилган.

Менинг ёрим соғ-саломат

Тошканларда юрганмикан?

Йўқлаб мени кеча-тонглар

Тушларида кўрганмикан?

Дангасага тегманглар,
 Юзини ҳам кўрманглар.
 Ақлингиз бўлса агар,
 Ялқов билан юрманглар¹.

Термалар аксарият ҳолда бахшилар (термачи) томонидан яратилиб, улар ижросида соз (дўмбира ёки дутор) жўрлигида куйланган. Термалар ҳажми чекланмаган. Уларнинг 8 банддан тортиб, 30 бандгача (ҳар банди тўрт мисралик) ҳажмга эга намуналарини учратиш мумкин. Бандлар *а-а-а-б* баъзан *а-а-б-а* кўринишдаги қофия тизимига эга бўлади.

Ўзбек халқ термалари орасида «Кунларим», «Борми жаҳонда?», «Армоним қолмади», «Нима айтай?» каби термалар машҳурдир. Булардан «Кунларим» анъанавий характер касб этиб, унинг асоси «Гўрўғли» достонидаги бош қаҳрамон номидан айтилган ҳасби ҳол мазмунидаги терма билан боғлиқ. Бундай термаларни Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Абдулла шоир, Саидмурод Паноҳ ўғли, Мадраим Шаман ўғли ва Ислон шоир репертуарларида учратиш мумкин. Термалар бахши ва халфалар томонидан ҳозир ҳам куйланиб, уларнинг янги-янги намуналари яратилмоқда.

Фольклор асарларини ўрганишда ҳам адабий-эстетик таҳлил устувор мавқе тутиши шарт. Бунда ҳар бир фольклор асарининг жанр хусусиятлари, ўқувчиларнинг ёши, уларнинг адабий тайёргарлик даражаси, уларнинг бу борада ҳозиргача олган билимлари, эгаллаган малакалари ўқитувчининг диққат марказида бўлиши шарт.

Масалан, топишмоқлар предмет, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ташқи ёки ички, мантиқий ўхшашликни таққослаш орқали ўзлаштирилса, мақоллар мазмуни уни ўқишнинг ўзи билангина ўзлаштирилмай қолмайди. Бу ерда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг шахсий тажрибасига таяниб туриб

¹ Хоразм халқ кўшиқлари. Тўпловчи ва таҳрир қилиб нашрга тайёрловчи Ж.Қобулниёзов. – Тошкент, Фан, 1965, 204-бет.

хаётий мисоллар келтирилиши, улар воситасида мақол мазмунининг шарҳланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Психологларнинг таъкидлашича кичик ёшдаги болалар кўпроқ тез -тез алмашиб турадиган воқеалар оқимига, қизиқарли саргузаштларга ишқибоз бўлади. Катта ёшдаги болалар, жумладан, академик лицейларнинг ўқувчиларини кўпроқ қаҳрамонларнинг рухий олами, ички дунёси ўзига маҳлиё қилади.

Демак, уларни ҳаракатнинг ўзи эмас, балки бу ҳаракатларнинг мантиғи, уларнинг бадиий асосланиши кўпроқ ўзига тортади. Демак, халқ оғзаки ижоди намуналарини таҳлил қилишда масаланинг бу жиҳатларига асосий эътибор бериш лозим.

Муайян ҳаётий лавҳа ва лаҳзаларда қаҳрамонларнинг ўзини тутиши уларнинг маънавий оламига дахлдор бўлишган тушунчаларни ойдинлаштириш имконини беради. Бу кўроқ эпик жанрлар таҳлилида қўл келади. Биз эртаклар, масаллар, қисса ва дostonларни ўрганишда бу ҳолатга дуч келамиз.

Бадиий матн устида ишлаш орқали ўқувчиларда адабий-эстетик таҳлил малакасини шакллантиришда уларни назарий билимлар билан қуроллантириш таълим самарадорлигини оширади. Чунки матн замиридаги нафосат, фольклор асарлари илгари сурган фикр асарнинг жанрий хусусиятлари асосида ўрганилгандагина, чуқур ҳис қилиниши ва ўзлаштирилиши мумкин.

Шеърий матн таҳлилинини бўғин, туроқ, вазн, қофия ва банд ҳақидаги назарий тушунчаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўқув дастурида бу масалага эътибор қаратилиб, академик лицейларда бу боради тегишли тушунчалар бериш кўзда тутилган. Биз бу боради О.Мадаев амалга оширган тадқиқотларга суянишимиз мумкин.

БАРМОҚ ШЕЪРИЙ ТИЗИМИ – туркий халқлар шеъриятида кенг тарқалган, мисралардаги бўғинлар миқдори тенглиги – силлабикага асосланган шеърий тизим. Бу системада мисралардаги тенг сонли бўғинлар ўзаро бирикиб, бир маромда такрорланиши натижасида ритмик оҳанг ҳосил

қилишга кўмаклашадиган туроқларни юзага келтиради. Мисралардаги туроқлар, туроқлардаги бўғинлар миқдорига нисбатан шеърлар турли вазнларга ажратилади. Масалан:

Савдо тушти / чол Соқининг / қошига, $4+4+3 = 11$

Дўсту душман / борар марднинг / қошига $4+4+3 = 11$

Айтган сўзи / маъқул бўлмай / Соқи чол

Сийқаланиб / борди марднинг / қошига.

(Эргаш Жуманбулбул)

Ёки:

Кўхикофни / сайрон қилган, $4+5=9$

Девларини / хайрон қилган $4+5=9$

Ўзбек, турк, козоқ, қорақалпоқ, туркман, қирғиз, озарбайжон, татар ва бошқа туркий халқлар оғзаки поэзиясида жуда қадим даврлардаёқ пайдо бўлган бармоқ тизими шу халқларнинг ҳозирги шеърятининг ҳам асосий шеърый системаси сифатида қўлланилиб келмоқда.

Шу тартибда шеър мисраларидаги туроқларнинг уюшуви—бирикишдан вазн пайдо бўлиши ўқувчиларга тушунтирилади.

Т.Бобоев “Шеър илми таълими” номли методик қўлланмасида бўғинсиз шеър мисраларини тасаввур қилиб бўлмаслигини, шеърнинг қалби бўлмиш мусиқийлик ва ритмни вужудга келтиришда энг фаол иштирок этувчи унсур—бўғин эканини таъкидлаб: “Бармоқ тизимида бўғинлар туроқларни, туроқлар туркумни, туркум вазни, вазн ритмни, ритм мусиқийликни, мусиқийлик поэтик ғояни вужудга келтиради. Шеър унсурлари бир-бири билан узвий боғлиқликда, бир-бири билан мустаҳкам алоқага киришгандагина ўз вазифасини ўтай олади” — деб ёзганларки, олимнинг бу каби методик тавсияларидан адабиёт ўқитувчилари назарий тушунча беришда амалий фойдалансалар бўлади.

Биламизки, бармоқ тизимида бўғинларнинг муайян гуруҳларга ажратилиши натижасида ритмик бўлак — туроқ ҳосил бўлади. Ўз вазифасига кўра бармоқдаги туроқ аруздаги рукнга яқин туради. Агар мисрадаги

бўғинларнинг гурухланишидан туроқлар пайдо бўлса, мисра ё байтда туроқларнинг миқдори ва уюшув тартибидан туркум яратилади. Бармоқ вазнидаги шеър туроқлари бўғинларнинг миқдорига, аруздаги шеър рукнлари эса хижолаарнинг ҳам миқдорига, ҳам сифатига қараб фаркланади.

Ўқувчилар шеърятнинг назарий қонун-қоидалари билан кўп ҳолларда юзаки таништирилиши туфайли таҳлилда ҳамиша оқсайдилар. Бу ҳол ҳатто академик лицейларда таълим олаётган талабалар фаолиятида ҳам кўзга ташланади.

Академик лицейларда шеърый тарзда ёзилган кўплаб асарлар мавжуд.

Улар умумий тарзда “қўшиқлар” деган ном билан юритилади. Сўзнинг ўзагида “қўшмоқ” феъли бор. У мисрани мисрага, сўзни сўзга қўшишни англатади. Қўшиқларнинг тури кўп. Бу турлар қўшиқ мазмуни, унинг айтиладиган жойи, қўшиқнинг ижро тарзи, вазифаси ва бошқа омилларга боғлиқ. Шунга кўра, ўзбек халқ қўшиқлари, дастлаб, икига ажратилади: маросим қўшиқлари, маросимга алоқасиз қўшиқлар. Меҳнат қўшиқлари, лирик қўшиқлар маросимга алоқаси бўлмаган туркумга киради.

Меҳнат қўшиқлари яна ички бўлинишларга эга. Улар:

1. Дехқончилик билан боғлиқ қўшиқлар (қўш қўшиқлари, ўрим қўшиқлари, янчиқ қўшиқлари, ёрғичоқ қўшиқлари...).
2. Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар (хўш-хўшлар, “турей-турей қўшиқлари”, чуриялар).
3. Хунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар (чарх қўшиқлари, бўзчи қўшиқлари, ўрмак қўшиқлари, кашта қўшиқлари...)

Лирик қўшиқлар ўзбек халқ оғзаки ижоди орасида анча катта салмоқни ташкил этади. Бунда кўпроқ ишқий мавзудаги шеърый асарлар назарга олинади. Лирик қўшиқларда халқнинг орзу-умидлари, ички кечинмалари, нозик туйғуларининг тегишли тарздаги образли ифодаларидир. Уларда гўзаллик, эзгулик, мақсадга мувофиқликнинг гўзал яхлитлиги мужассам.

Албатта оғзаки ва ёзма лирик шеърларнинг ўзаро яқин жиҳатлари кўп. Аммо улар орасида айирмалар ҳам очик кўзга ташланади. Бу айирма шундаки, “ёзма адабий лирик шеърлардаги кечинмалар ўта индивидуал характер касб этса, оғзаки лирик кўшиқлардаги кечинмалар эса умумлашган – коллектив кечинмалар билан уйғунлашган ҳолда ифодаланади”¹.

Онаману онаман,
 Болам учун ёнаман.
 Болам тинчликда ўсса,
 Орзуларга қонаман.

Бундай туйғулар самимияти, тасвирдаги соддалик, ихчам ва лўндалик, аниқлик халқ шеъридагина учрайди, холос.

Уч патир ёптим зирали,
 Бир-биридан ширали.
 Юринг боққа кирали,
 Ўлгунча даврон сурали.

Ушбу лирик кўшиқ соф ишқий мавзуга бағишланган.

Биз унинг моҳиятини ошкор этиш учун ўқувчимларнинг ўзларига муурожаат этамиз:

1. Мазкур лирик кўшиқ мисраларига жо бўлган маъноларни қандай изоҳлайсиз?

2. “Уч патир ёптим зирали” сўзлари қандай вазифани бажарган? Бунда қандай маъно кўзда тутилмоқда?

3. “Юринг боққа кирали” мисрасининг мазмунидаги бош маънони топишга ҳаракат қилинг. “Боғ” сўзи ўз маъносида қўлланмоқдами ёки кўчма маъносидами?

4. Агар у кўчма маънода қўлланаётган бўлса, унинг маъносини аниқланг. Бунинг учун тўртинчи мисра мазмунига эътибор беринг.

¹ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоков Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, Ўқитувчи, 1990, 156-бет

5. Шеърга хос ички оҳангни хис қилдингизми? Бу оҳанг билан шеърда ифадаланаётган ички кечинмаларига мосми ёки йўқми?

6. Ана шу оҳангни яратишда иштирок этган шеър унсурлари - шакл компонентларига нималар киради?

7. Энди уни бўғинларга бўлинг. Шеърий тuroқларни аниқланг:

Уч па-тир ёп-тим зи-ра-ли, (8 бўғин)

Бир-би-ри-дан ши-ра-ли. (7 бўғин)

Ю-ринг боқ-қа ки-ра-ли, (7 бўғин)

Ўл-гун-ча дав-рон су-ра-ли. (8 бўғин)

Ўқувчичлар бармоқ вазнидаги шеърларнинг бир хилдаги тuroқлар ва бўғинлар сонига эгаллигини яхши билишади. Бу мисралар эса уларни тасаввурини бир озгина ўзгартиради. Шунинг учун ҳам бундай чекинишларнинг оғзаки ижод учун хослигини, бунинг асосий сабабаларини эса шундай кўрсатиш мумкин:

1. Оғзаки ижод намуналари фақат профессионал ижодкорлар ва ижрочилар томонидан эмас, балки исталган алоҳида олинган шахс томонидан ҳам ижро этилиши мумкин. Шунга кўра, уларнинг бадиий савиясида жузъий айирмаларнинг юзага келиши тасодифий эмас.

2. Оғзаки ижод намуналари кўпроқ импровизацияга, бадиҳатан айтишга мансуб. Импровизация эса баъзи жузъий сахталикларни инкор этмайди.

Шунга қарамай, уларда шаклий кўринишларга тўла –тўқис жавоб берадиган мисоллар асосий салмоқни ташкил этади:

Рўмолимни олибсан, ажаб-ажаб, (4+3+4=11)

Бир хаёлга борибсан, ажаб-ажаб, (4+3+4=11)

Бир хаёлинг хом хаёл, ажаб-ажаб, (4+3+4=11)

Уволимга қолибсан, ажаб-ажаб¹. (4+3+4=11)

¹ Тафаккур чечаклари (Ўзбек халқ кўшиклари). Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи М.Обидова, - Тошкент, Фан, 1992. 14-бет

Ал - ла бо – лам ал - ла – ё, (2+2+3 =7)

Жо - ним, бо – лам, ал - ла- ё. (2+2+3 =7)

Кў - рар кў - зим, ал - ла- ё. (2+2+3 =7)

Сўз - лар сў - зим, ал - ла- ё¹. (2+2+3 =7)

Кўриниб турибдики, шеър мисраларининг муайян тартибдаги бўғинлар уюшуvidан (биринчи шеърда ҳар мисра 11 бўғин, кейингисида ҳар мисрада 7 бўғин), тuroқ тартибидан унинг ички оҳанги юзага келган. Бу оҳанг ва қофиядаги сўзлар воситасида шеър мисраларининг таъсирчанлигини юзага келтириб, салмоқли поэтик маъноларни ифода этмоқда:

Биринчи шеърда бевафолик дардини тортаётган аёл изтироблари ифодаланаётган бўлса, кейингисида она ўз фарзанди тимсолида умрининг мазмунини тасаввур этмоқда, Бундан ички бир фахр ва ифтихорни туймоқда. Айни пайтда уларнинг барчаси фақат оналаргагина хос бўлган буюк меҳрни ифодалаб турибди.

Ўзбекистонда дostonчилик анъаналари, дostonчилик мактаблари, уларнинг хусусиятлари ҳақида гапириб туриб ҳам ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчаларини кўплаб янгиликлар билан бойитиш мумкин. Айниқса, бадий ижод, ижодкорлик, бадий маҳорат, бадийлик, ифода имкониятлари деган тушунчалар алоҳида ўрин тутди.

Биз фикримизни Ислom Шоир Назар ўғли мисолида тушунтиришимиз мумкин:

Ислom Шоир Назар ўғли – ўзбек бахшичилик мактабининг энг йирик вакилларидани биридир. Унинг номи Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммадкул **Жомрод** ўғли Пўлкан, Абдулла шоир Нурали ўғли сингари йирик бахшилар билан ёнма-ён туради. У халқимиз ардоғида бўлган кўплаб нодир дурдоналарни куйлаб, уларнинг бизгача етиб келишида катта роль ўйнади.

¹ Эл суярим, алла. Ўзбек халқ аллалари. Тўплаб нашрга тайёрдовчи ва сўзбоши муаллифи О.Сафаров – Тошкент, Ўзбекистон, 2009. 43-бет

Ислом Шоир Назар ўғлининг ижодий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда фольклоршунос олим Мансур Афзалов катта ҳисса қўшган. У дастлаб бахшидан “Орзуғул” достонини ёзиб олиб, нашр этган эди..

Ислом шоир Назар ўғли меҳнаткаш омма орасидан етишиб чиққан халқ бахшиларидан биридир. Унинг ўтмиш ҳаёти, болалик йигитлик даври ўзбек меҳнаткашларининг қадимги қорони кечмишини эслатади. Оддий деҳқон оиласидаги муҳтожлик қашшоқлик, бахтсизлик Ислом шоир туғилган хонадонда ҳам ҳукмрон эди.

Ислом шоир Назар ўғли ҳозирги Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида қарашли Галақассоб қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Шоирнинг ҳикоя қилишига кўра, унинг отаси — Назар Ражаб ўғли ўзига қарашли озгина ерда экин экишга қурби етмаганлигидан умри бойларнинг хизматида ўтган, бойларнинг қўйларини боққан, уларнинг деҳқончилигида ёлланиб ишлаган, топган-тутгани рўзғорга, қарамоғидаги саккиз жонни боқишга сира етмас, оила оч-яланғоч яшар, уйдан касаллик аримас экан. Натижада унинг тўрт фарзанди нобуд бўлган. Ўзи эса 76 ёшида вафот этган. Отадан фарзандларга бир талай қарз мерос бўлиб қолган экан. У ҳамқишлоғи Отақулибой деган кишининг эшигида бир неча йил ишлаб, қарзга ботган экан. Ислом шоирнинг онаси Ўраз Султон ўзи асли Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидан бўлиб (ҳозирги Пойкентда), унинг ота-оналари ҳам ниҳоятда камбағал кишилар бўлган. Етимлик ва қашшоқлик азобини тортган ёш Ислом акаси билан бирга қишлоқ подасини боқади, кейинчалик Каттакўрғонда Абулқосим даҳасида Саидмахсум деган бойникида хизматкор бўлиб ишлайди. Ёш бўлишига қарамай у бой эшигида оғир ишларни бажаради. Шоир ўз таржимаи ҳолида айтаганича, қаттиқ совуқларда қўй-қўтонларда қолиб кетар, баъзан бир неча кунлаб кечалари билан тегирмондан чиқмаса ҳам қорни тўйиб нон емас эди. Саидмахсум бойникидаги оғир меҳнат унинг тинкасини қуритди. Бойдан заррача марҳамат кўрмагач, у ердан кетади, сўнгра Каттакўрғонлик пахтачи Олимбойнинг қўлида етти йил чўпон бўлиб ишлайди. Олимбой ҳам Исломнинг меҳнат ҳақини бермай, уни уйга қурук

жўнатарди. Шоир оч-яланғочликда, хор-зорликда ўтган эркиз ёшлигини эслаб шундай дейди: Юрганим, кўрганим дашт, боққаним кўй-кўзи, улфатим жафокаш чўпонлар бўлди. Умрим бино бўлиб ёшлигимда, йигитлигимда янги кийим кийганимни, қорним тўйиб овқат еганимни бил майман».

Шундай қилиб, Ислом шоир йигитлик кучининг қаймоғини бойларнинг эшигида сарф этди. Отаси вафотидаи сўнг оилага моддий томондан кўмаклаша олмади; ёшлиги мактаб кўрмай, хатсиз-саводсизлик билан ўтди; лекин у дўмбирасини қўлдан қўймади.

Маълумки, ўтмишда халқ шоирлари, эртақчилари узок асрлар мобайнида яратилган оғзаки бадиий ижод асарларини куйлаб, менаткаш омманинг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлар. Уларсиз бирон тўй-маросим ёки йиғин ўтмас эди. Атоқли халқ шоирларининг шогирдлар тарбиялаши ҳам одат тусига кириб қолган ади. Бўлажак куйчи халқ орасида ном чиқарган халқ шоирларидан ўрганмасдан ва уларнииг репертуаридаги достокларни ижодий ўзлаштирмасдан туриб, шоир ёки бахши бўла олмас эди. Ёш Ислом ҳам ўша вақтда яшаган етук шоирлардан билим олди, ўрганди ва уларга эргашди.

Менинг бобом Ражаб катта шоир ўтган,— деб эслайди Ислом шоир, ҳалигача эс-эс биладан; бобом бошқа невараларидан кўра мени кўпроқ ёқтирар эди. Ёшлигимдан бошлабоқ, мен бобомдан бир қанча термалар, халқ кўшиқларини эшитиб, ўрганиб олдим. Ўша вақтларда мен ўзимда кўшиқ айтишга, дўмбира чертишга кучли ҳавас сездим. Мен бобомдан дўмбира чертишни ўргандим. Бобом мендаги қобилиятни, ҳавасни кўриб менга алоҳида эътибор билан қарайдиган бўлди; у яна эртақлар ҳам айтиб берар эди; баъзан дostonларни эртақ қилиб айтганда завқ билан тинглар эдим. Кейинчалик бобомдан “Орзигул”, “Зулфизар билан Авазхон”, “Алпомиш”. сўнгроқ “Ҳамрохон”, “Сайёдхон», «Қосимхон» дostonларидан парчаларни билиб олдим. Бобом мени йиғинларга, тўй-маросимларга ўзи билан бирга олиб борар ади. У ерларда ҳам ҳар қаердан келган шоирларни, эртақчиларни кўрар, таниб олар эдим, улардан ҳам халқ дostonларини мароқ билан эшитардим. Бобом Ражаб 99 йил умр кўрган. Карим лават, Хайдар шоир,

Худойназар, Дарвиш шоирлар унинг шогирдлари эди. Мен уларнинг бобом билан қилган суҳбатларида доимо бўлар эдим.

Мен бир маросимда бобомнинг қистовига кўра бир достондан парча айтаётган эдим. Шу йиғинда ўша вақтда қишлоғимизда ном чиқарган чечан шоирлардан Эрназар Шоир ҳам бор экан. Менинг овозим, достон айтишим унга жуда маъкул тушибди шекилли, эртасига отам қошига бориб, мени сўраб, дебди: Сиз шу ўғлингизни менга топширсангиз, у менга шогирд бўлсин. Отам ва бобом розилик бериб, мени Эрназар Шоир қўлига топширди. Эрназар шоир қўлида икки йил тарбия кўрдим. Устозимдан турлича куйлар билан достон айтишни ўргандим; шу билан бирга, “Гулихиромон”, “Ҳасанхон”, “Равшанхон” ва бошқа достонларни ўрганиб олдим; 22 ёшимда достонларни мустақил равишда айта оладиган бўлдим».

Машхур халқ шоирлари учун характерли нарса шуки. улар кўпинча элдан-элга кўчиб юриб, доимо меҳнаткаш омма орасида бўлиб, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлар ва халқ психологиясини ўрганар эдилар. Дехқонлар, чўпонлар уларни кўпни кўрган, ақлли, доно, маслаҳатгўй киши сифатида ҳам алоҳида ҳурмат қилар эдилар. Шоир дехқонлар даврасида кечасилаб достон, кўшиқлар куйлар эди. У куйлаган халқ достонлари тинглончиларга ҳақиқат ва адолатни чуқурроқ англашга, фаҳмлашга кўмаклашар, айтиш чоғда унга руҳий-маънавий озиқ берар, завқлантирар, унинг ҳасрат ва ғам тўлган қалбида умид чироғини ёқар эди. Шу сабабли меҳнаткашлар оммаси чин сўзли халқ куйчиларини севар, қадрлар, тўй-томошалар эса шоирларсиз ўтмас эди.

Ислон шоир халқ ҳурмат-иззатини қозонган, кўпни кўган бахши сифатида эл орасида танилди. Эл тирикчилиги оғирлигини ўз кўзи билан кўрди. Бойларга ёлланиб ишлаганида ҳам кўпинча эл орасида кўшиқ айтиб, Каттақўрғон, Ургут, Жом, Пастдарғом, Жума, Хатирчи, Нурота, Бухоро вилоятининг Қорақўл тумани ва қишлоқларида кезиб юрганлигини, Қоратоғ атрофидаги элатларга, Қарши, Қамаш, Қалқама (Чироқчи туманидаги қишлоқ номи), Шаҳрисабз, Китобга ҳам бориб достон айтганлигини эслайди.

Ислом шоир тахминан 32 ёшида Каттақўрғон атрофидаги пахтачи бойлар қўлида ёлланб ишлаган Абдурахмон деган шоир билан танишади ва дўстлашади. Абдурахмон шоир анчагина термалар билар экан. Ислом шоир унга ўзи билган дostonлардан айтиб берган, ундан эса қорақалпоқ халқининг классиги Бердақнинг (1827-1900) «Яхшироқ» номли кўшиғини ўрганиб олган; ўзи ҳам унинг шеърига ўхшатиб термалар тўқиган.

Ижтимоий ҳаётни қайта қуришдек буюк ижодий қудратга, яратунчилик талант ва қобилиятига эга бўлган «халқ фақат моддий бойликларни майдонга келтирувчи кучгина эмас, халқ маънавий бойликларнинг бирдан-бир ва туганмас манбаидир ва доҳиёналиги жихатдан биринчи файласуф шоирдир; барча буюк поэзияларни, ер юзидаги барча буюк фожиаларни ва булар ичида энг буюк бўлган бутун дунё маданияти тарихини халқ яратган»¹.

Ўзбек халқ дostonлари, шу жумладан, Ислом шоир репертуаридаги «Алпомиш», «Зулфизар билан Авазхон», «Орзигул», «Гулихиромон», «Соҳибқирон» каби дostonларда халқ орзу-умидларининг, келажакка бўлган ишончининг, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, ростгўйлик ва жасоратнинг, ватанпарварлик ва чин садоқатнинг ўзига хос тараннумини кўриш мумкин.

Ўзбек халқи узоқ замонлардан бери тажовузкор босқинчиларга, золим бой ва амалдорларга, ижтимоий тенгсизликка, жаҳолат ва нодонликка қарши курашиб келди.

Халқимизнинг тинч, осойишта турмуш кечирish, мамлакатда адолат ўрнатиш каби энг яхши ниятлари, орзулари Ислом шоир куйлаган дostonларда ҳам ўз ифодасини топгандир. Меҳнаткаш омма жамиятда зулм, зўрлик, зиндон дўқ ва ҳақорат билан иш кўрган золим подшоларга, иккиюзламачи сотқин бек, амалдорларга, жоҳил, муттаҳам ҳукмдорларга қарама-қарши ўз фантазиясида эл-юртда адолат ва инсоф билан иш юритадиган, дастлаб фуқаронинг, эл-юртнинг манфаатларини ўйловчи ва уни ҳимоя қилувчи мард ва камтарин бошлиқ - раҳбар образини яратди. Халқ шоирлари куйлаган дostonларда халқ севган, кўришни орзу қилган кўркмас,

¹ М. Г о р ь к и й. О литературе, - М.: «Советский писатель», 1953, стр. 48.

ақлли, шафқатли, олижаноб, инсонпарвар; адолатпаноҳ юрт бошлиқлари — ижобий идеал қаҳрамонлар улуғланади. Буюк олим ва шоир Алишер Навоийнинг «Хамса» асарида, айниқса, феодализм даври учун характерли бўлган халқнинг илғор фикри — мамлакатда адолат ўрнатиш учун курашган, интилган юртнинг ҳақиқий бошқарувчилари образи мукамал яратилганлиги. Бу илғор ғоя диққат марказида тургаилиги ва изчил илгари сурилганлигини назарда тутсак, Навоий асарлари билан халқ дostonлари ўртасида ғоявий бирлик, фикр, ният ва орзуларда мутлақо ҳамоҳанглик мавжуд эканлигини кўраимиз. Халқ оммасининг бу орзусида эса унинг ҳаётий манфаатлари ифодалангандир.

Золимлар зулми остида яшаган мазлум ўзбек халқи ўзининг Гўрўғли туркумига кирган ажойиб дostonларида, эртақларида босқинчиларни, хоинларни, золимларни қаттиқ қоралади, софдил, тўғри, ҳақгўй кишиларнинг элга бош бўлишни истади ва уларни улуғлади, осойишта яшаш, яхши кун кечириш ҳақида орзу қилди.

Шунинг учун ҳам халқимиз ўзининг бой фантазиясида Чамбил сингари гўзал, сувга мўл, чўл-қирлари кўкаламзор ўтлоқларга айлантирилган обод ўлкани ва яхшилиги билан ном чиқарган, марҳаматли Гўрўғли, Авазлар образини яратади.

Ижобий идеал қаҳрамонларнинг чуқур самимият билан тасвирланишининг муҳим томони шундаки, биринчидан, бу образларда меҳнаткаш омма учун хос бўлган ватанпарварлик, ботирлик, яхшиликни ёқлаш, ёвузликни қоралаш, дўстлик, иноқлик, севгида садоқат каби олижаноб инсоний фазилатлар мужассамлангандир, иккинчи томондан, халқ севган кишиларнинг эл-юртни бошқаришдаги фаолияти бевосита инсонпарварлик идеали билан суғорилгандир, яъни улар ҳар қандай ишни одамгарчилик, инсонга ҳурмат, халққа шафқат, яхшилик қилиш нуқтаи назаридан баҳолайдилар ва бажарадилар Шунинг учун ҳам ўзбек халқ дostonларида Гўрўғли, Аваз ва бошқаларнинг қаҳрамонликлари кўкларга кўтариб мақталади, унинг душманлари эса меҳнаткаш омманинг душманлари

сифатида тасвирланади. Гўрўғли, Аваз образларидаги ижобий фазилатларни Ислом шоир куйлаган “Зулфизар билан Авазхон” достонида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбек халқ эпосининг гўзал намуналаридан ҳисобланган бу дoston худди шу номда бошқа ўзбек халқ шоирларининг репертуарида ҳам бўлиб, Гўрўғли циклига киради. Лекин улар мазмуни, воқеаларнинг талқини ва ривожланиши жиҳатидан бир-бирдан кескин фарқланади. Ислом шоир бу асарини репертуаридаги «Алпомиш», «Орзигул» каби энг яхши дostonлар қатори эл орасида ҳамиша севиб куйлаган.

У ёки бу фольклор асарининг халқчиллиги, даставвал, унда меҳнаткаш омма ҳаёти, руҳи, интилиши ва орзу-умидлари, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари қанчалик ҳаққоний тасвирланиши билан белгиланади. Бундан ташқари, халқнинг тақдири, келажаги учун ғоят муҳим бўлган ижтимоий муаммоларнинг дostonда ўртага қўйилиши билан унинг ғоявий мазмуни, йўналиши аниқланади. Шу тариқа бадиий асарнинг тарихий-ижтимоий қиммати, эстетик-тарбиявий аҳамияти очилади.

Халқ бадиий ижоди асарлари кўп замонлардан бери оғиздан-оғизга ўтиб яшаб келган экан, бунда куйловчининг ижтимоий поэтикаси, дунёқараши, ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбек халқ эпосининг халқчил ва реалистик тенденциясини акс эттируви асарлардан бири “Зулфизар билан Авазхон» достонидир. Унда меҳнаткаш омманинг адолат ва ҳақиқат учун кураши масаласи ўз даврнинг талаблари, ижтимоий муҳит, шароит билан маҳкам боғланган ҳолда гўзал шаклларда ўз ифодасини топди.

Ислом шоир Назар ўғли куйлаган «Зулфизар билан Авазхон» достонида мамлакатда осойишталик, адолат ўрнатиш масаласи асарнинг етакчи ғоясини ташкил қилади. Бу ғоя дostonда воқеаларнинг тадрижий ривожланишида ва айниқса асарнинг охириги қисмида янада равшан кўзга ташланади.

Дostonда икки сюжет линияси бўлиб, биринчисида Зулфизар билан Аваз ўртасидати муҳаббат, садоқат ва мардлик ҳақида баҳс юритса, иккинчисида

Гўрўғлининг тоғаси Аҳмад сардор билан Аваз ва унинг оиласи ўртасидаги муносабатлар кўрсатилади. Бу икки сюжет линияси дostonда бир-бири билан узвий боғланган ҳолда асарнинг яхлит, мураккаб сюжет линиясини ташкил этади.

Биринчи сюжет линиясида Истанбул шоҳининг қизи Зулфизарнинг Рухсора паридан Авазхоннинг таърифини эшитиб, Авазнинг дўсти «Мирзахон» бўлиб Чамбилга келиши, Чамбилда бир неча вақт тургач, Аваз билан баҳслашиб Истанбулга жўнаши ва у ердан Чамбилга қайтиши тасвирланади. Бу йўл билан ошиқ ва маъшукқанинг бир-бирига бўлган вафо ва садоқати, одамгарчилиги, олижаноблиги синовдан ўтади. Ҳар иккала қаҳрамон ор-номус йўлида курашадилар. Зотан, ор-номусли, виждонли бўлиш айни чоғда кўрқмас, тадбиркор, эпчил ва самимий бўлишни талаб этади. Зулфизар билан Аваздаги бу инсоний фазилатлар эл-юрт манфаатларини кўзлаш, унинг душманларига қарши аёвсиз кураш олиб бориш ғояси учун ҳам хизмат қилиб, ижтимоий мазмун касб этади ва олижаноб хислатга айланади. Дostonда тасвирланишича, киши биринчи навбатда виждонли бўлиши, унинг одамийлиги ва барча инсоний хусусиятлари меҳнаткаш омманинг бахт-саодати, тинч яшаши учун қайғуриш тушунчаси билан узвий боғланган бўлиши керак. Дostonнинг ижобий қаҳрамонларига хос бўлган бу ажойиб фазилатлар иккинчи сюжет линиясида кўринади.

Эл-юрт тинчлигининг душмани, ғаразгўй, шахсиятпараст Аҳмад сардор фирибгар Аҳмадхон эшон билан тил бириктириб, Авазхон номидан қалбаки хат ёзади, ясама муҳр босиб, уни Гўрўғлига беради ва отани болага душман қилиб кўяди. Хатда Авазнинг Чамбилга энди қайтиб келмаслиги, Гўрўғлидан ўч олиш мақсадида у билан урушишга тайёр эканлиги ва бошқа шу каби ёлғон гаплар айтилган. Аҳмад сардор ўз мавқеини суиистеъмол қилиб, Гўрўғлини уйдирма гапларга ишонтиради, ўзининг бузғунчилик ишларини зўр бериб амалга оширади ва Авазга, Гўрўғлига ва Чамбил юртига хиёнат қилади. Шум ниятли маккорнинг қилмишлари туфайли оқ қора деб эълон қилинади; яхши одамлар ёмон отликқа чиқарилади, ёмон одамларнинг иши яна авж олади;

Авазнинг ёри Баҳромгул, ўғли Нурали, қизи Гулнор ва момоси бегуноҳ жазоланадилар. Улар қул қилиб сотилади. Шу йўсинда мамлакатда пайдо бўлган адолатсизликнинг хунук оқибатлари дostonда бирин-кетин кўрсатилади. Лекин, бу ҳақсизлик кўпчиликнинг каттиқ норозилигига сабаб бўлади.

Аваз ўзига қўйилган тухматларни фoш қилади. Эзгулик тантана қилади.

Бу дostonни ҳам ўқувчиларнинг мустақил ўқишларига тавсия этиш мукин.

Ўқувчиларнинг мустақил амалий ишлари яқунлангач, дostonга хос хусусиятлар ҳақида яқуний хулосани баён этиш жоиз:

ДОСТОН – Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари, шу жумладан, туркийзабон халқлар оғзаки ва ёзма адабиётидаги катта ҳажмга эга бўлган лиро-эпик асарлар. Халқ оғзаки ижоди таркибидаги дoston ва ёзма адабиёт намунаси саналмиш дostonлар бир хил аталишидан қатъи назар, яратилиши, шаклий хусусиятлари, ижро қилиниши жиҳатлари билан фарқланади. Хусусан, оғзаки ижод дostonлари маълум нисбатда навбатлашиб келган насрий ва шеърий матнлардан ташкил топади. Шеърий қисмлар эркин банд тузилиши ва қофияланишга эга бўлади.

Халқ дostonлари маълум шахс томонидан оғзаки тарзда яратилган бўлиб, улар турли ижодкорлар томонидан ижро этилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб, анъанавийлик касб эта боради. Натижада унинг муаллифини аниқлаш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бу хил асарлар жамоа ижоди маҳсули деб қаралади. Ёзма адабиёт намунаси саналган дostonлар эса, муайян ижодкор қаламига мансуб бўлади ва шу ҳолича сақланади.

Замонавий фольклоршуносликда ўзбек халқ дostonларининг бир неча таснифи мавжуд: 1) қаҳрамонлик дostonлари; 2) ишқий-романик дostonлар; 3) жангнома дostonлар; 4) китобий дostonлар; 5) тарихий дostonлар. Аммо фольклоршуносликда уларни 1) қаҳрамонлик дostonлари; 2) романик дostonлар; 3) жангнома дostonлар сифатида ажратиш таомилга кириб қолган.

Халқ достонлари турли хил мусиқа асбоблари (дўмбира, тор, қўбиз) жўрлигида аксарият ҳолда тўй-йиғин ва сайлларда жамоа олдида куйланади. Ёзма адабиётдаги достонлар бу хилдаги куйлашга эмас, балки мутолаа қилишга мўлжаллаб ёзилади.

Халқ достонларини яратувчи ва куйловчилар ўзбекларда – *бахши, юзбоши, соқи, санновчи*; қозоқларда – *оқин*; қорақалпоқларда – *бахши, жиров*; қирғизларда – *манасчи* каби атамалар билан юритилади. Ёзма достонлар ижодкорлари эса, *шоир* ёки *достоннавис* дея номланади.

Ёзма адабиётдаги достонлар фақат шеърӣ шаклда бўлиб, одатда бир хил – маснавий тарзда қофияланади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари туркий ёзма достончиликнинг илк йирик намунасидир. Ўзбек мумтоз адабиёти кутубхонаси ғоявий-бадий жихатдан юксак даражада битилган достонларга бойдир. Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврўз» асари, Алишер Навоий «Хамса»си таркибидаги достонлар, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достони шулар жумласидандир.

Ёзма достончилик XX аср адабиётида ҳам давом этди. Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Мухтор, А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Матжон, Муҳаммад Али сингари шоирлар тарих ва давр воқелиги, чет элликлар ҳаётининг турли масалаларига бағишланган ранг-баранг мавзуларда достонлар яратишди. Кейинги йиллар шеърӣятида Азим Суюн, Усмон Азим, Икром Отамурод, Фаҳриёр сингари шоирлар тарихий ва замонавий мавзудаги бадий баркамол достонлари билан китобхонлар назарига тушишмоқда.

Ўқувчилар шу тарзда фақат достоннинг ўзи ҳақида эмас, балки, унинг турлари, оғзаки ва ёзма достонларнинг ўхшаш ва фарқли жаҳатлари ҳақидаги назарий тушунчаларни ҳам билиб олишади. Бу билимларни мустаҳкамлаш учун бир қатор саволлар билан мурожаат этиш мумкин.

1. Достон деганда нимана тасаввур этасиз?
2. Ҳозиргача бу жанрнинг қайси намуналари билан танишгансиз?
3. Аввал халқ оғзаки ижодига, сўнг ёзма адабиётга оид бўлган достон намуналарига мисоллар айтинг.

4. Уларнинг қайси жиҳатлари бир-бирига ўхшайди.

5. Уларнинг фарқли жиҳатларини изоҳлаб беринг.

6. Юқоридаги маълумотда ёзма адабиётдаги дostonларда маснавий тарзининг етакчилиқ қилиши ҳақидаги мулоҳаза бор. Оғзаки дostonларда ҳам шу хислат сақланадими?

7. Бадиий ижод намуналари инсон маънавияти, дунёқараши ва руҳиятини бойитувчи қудратли восита ҳисобланади. Халқ дostonлари мисолида шу фикрни далиллашга ҳаракат қилинг.

8. Ислom шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид ихчам реферат ёзинг.

“Алпомиш”, “Рустамхон”, “Зулфизар билан Авазхон» дostonларини ўрганиш давомида тасвир воситалари тўғрисида ҳозиргача ўзлаштирилган билимларга таяниб таҳлил қилиш ва **муболаға** ҳақида назарий тушунча бериш мумкин. Аввало, дostonлардан айна мана шу муболағага оид парчалар ифодали ўқиб, эътибор асарнинг тасвир принципларига қаратилади. Муболаға воситасида парчада қандай воқеа ҳодиса тасвирланаётганига, унинг нима учун хизмат қилаётганига эътибор тортилади.

МУБОЛАҒА – арабча сўз бўлиб – **лоф уриш, бўрттириш** деган луғавий маънога эга. Шеър санъати сифатида эса шахс, нарса ва ҳодисанинг муайян хусусиятларини бўрттириб, кучайтириб тасвирлашга асосланади. Бадиият назариясида муболаға уч турга ажратилган ҳолда ўрганилади: а) *таблиғ* – ақлан ишонилadиган ва ҳаётда юз бериши мумкин бўлган муболаға; б) *изроқ* – белги ёки ҳаракатни ақлан ишониш мумкин бўлса ҳам, ҳаётда рўй бериши мумкин бўлмаган тарзда кучайтириб, ошириб тасвирлаш; в) *ғулув* – ақл бовар қилмайдиган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлмаган даражада бўрттириб тасвирлаш санъати. Муболаға турлари халқ оғзаки ижоди намуналари ва мумтоз шеърятимизда фаол истифода қилинади.

ТАБЛИҒ – (арабча “**етказмоқ**”) ақлан ишонса бўладиган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлган муболаға тури. Атоуллоҳ Ҳусайний таблиғ ҳақида шундай ёзади: «Агар ул даъво ақлу одатга мувофиқ бўлса, ул муболаға мақбулдур ва ани *таблиғ* дерлар...

Таблиғ луғатда еткурмактур ва аташ важҳи улдурким, сўзлағувчи ул васфни етук даражага еткурур». Таблиғ даражасидаги муболаға барча даврларда кенг қўлланилиб келинаётган бадиий санъатдир.

Масалан,

Сизлар ўтирибсиз хуш макороларда,
Зарварақли гул кесган айвонларда,
Сен аёлсан, отни қачон биласан,
Сен тугул, бул отим йўқдир хонларда (Зевархон 65-бет.)

мисраларидаа қўлланилган қабарик тасвирни таблиғ дейиш мумкин. От шу даражада ноёбки у хатто “йўқдир хонларда“. Бундай нодир отнинг борлиги нозиктаъб дoston тингловчисида ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди.

ИҒРОҚ – (арабча сўз бўлиб, **бирон ишда узоклашиб кетиш** деган маънони билдиради) шеърятда кенг ишлатиладиган муболаға санъатининг бир кўриниши. Иғроқда қаламга олинаётган сифат ёки белги, ҳолат шу даражада муболағалаштириладики, уни тасаввур қилиш мумкин бўлса ҳам, бу хил тасвир ҳаёт ҳақиқатига мутлақо тўғри келмайди. Масалан:

Қирқ кун тинмай пойи пиёда юриб
Барзангидай баднамога учрадим. (Зевархон, 98-бет.)

Айрилиқ туфайли лирик қаҳрамон чекаётган изтироб даражаси шеърхонда ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Бироқ унинг «Қирқ кун *тинмай* пойи пиёда» юриши кишини ишонтирмайди. Бу ерда қирқ кун тинмай пойи пиёда юриш муболағанинг шу турига киради. Инсон ҳар ҳолда бундай имкониятга эга эмасдир.

Иғроқ “Гўрўғли” туркум дostonларида ҳам фаол қўлланилади. Чунончи, бу дostonлардаги Гўрўғли, Аваз, Ҳасан сингари қаҳрамонларга мансуб белги-хусусиятларда уларнинг жуда тиришқоқлиги, ҳам маънан, ҳам жисмонан тез етилиши, фавқулодда куч ва ақлга эгалиги, илм-хунар, сеҳр-синоат соҳиби сифатида тасвирланиши кабиларни ушбу санъат ҳосиласи дейишимиз мумкин.

Гулувв – юқорида таъкидланганидек, ақл ҳам бовар қилмайдиган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлмаган даражада бўрттириб тасвирлаш санъати. Достонларда бундай мисоллар жуда кенг қўлланади.

Англашилдики, адабий-назарий билимларни бевосита бадиий асарлар таҳлили жараёнида баён қилиш, адабий таҳлил орқали асарнинг бадиий хусусиятларини ёритиш натижасидагина бадиий ижод санъат турларидан бири эканини ўқувчига ҳис қилдириш мумкин.

Ташхис санъати – жонлантириш усулидир. Шоир жонсиз табиатга, ўт-ўланларга, тоғу тошларга, жониворларга гўё тил ва дил бағишлайди, инсонга хос хусусиятларни уларга кўчиради, натижада мисли кхрилмаган бадиий таъсир юзага келади, кучли таъсирчанликка эришилади.

Масалан:

Олтой таблада боқилган,
 Емингга кишмиш тўкилган,
 Емини кўроиб есин деб,
 Машъалдан чироқ ёқилган.
 Оёғин ип қиймасини деб,
 Ипакдан пайванд тақиилган.
 Оёғин тош урмасин деб,
 Абжўшдан наҳал қоқилган.
 Оёғингга теккан ошлар
 Мисли ёнғоқдай чақилган.
*Ўйнагин ўзбакнинг оти,
 Асли туркман хоназоти.* (Далли, 72)

Бундай тасвирларнинг инсон руҳиятига таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ромен Роллан «ҳақиқий санъатдан ҳар ким ўз чанқоғини қондирувчи нарсани топа олади»¹, деб ёзган эди.

Ю.Богданова ва бошқалар ёзган «Адабиёт ўқитиш методикаси»да ўқиймиз: «Ҳозирги замон эстетикаси ва адабиётшунослиги нуқтаи назаридан оламни ўзлаштириш аниқлигининг характериға кўра бадиий адабиёт фан билан яқинлашади. Бироқ унинг ўзига хослиги шундаки, у китобхонга оламнинг кўрғазмали, образли манзарасини беради, ўзида эстетик ҳузур, маънавий сабоқ элементларини ташийди, ниҳоят, шундай руҳий қувонч бахш

¹ Ромен Роллан. Собрание сочинений. Т.14. М.: 1958, стр. 572.

этадики, уни бошдан кечиреш ҳар бир киши учун ниҳоятда муҳимдир»¹. Биз бу фикр тасдиғини халқ оғзаки ижоди намуналари таҳлили мисолида истаганча кузатишимиз мумкин.

ҚОФИЯ – (арабча – *эргашмоқ, изидан бормоқ*) шеърӣ матнда оҳангдош сўзларнинг муайян тизимда қўлланилиши.

Қофия шеър интонациясида, ритмик таркибида, синтактик-семантик бирлигида, банд тузилишида муҳим вазифа бажаради, у шеърӣ нутқни оҳангдор ва таъсирли қилишга хизмат этади, мисраларнинг ёдланишини осонлаштиради.

Замонавий шеършуносликда қофиянинг икки хили мавжудлиги қайд қилинади: *тўла* (тўлиқ) ва *оч* қофия. Масалан:

Шукр ҳақнинг даргоҳина,
Бугун ўз жойима галдим,
Гашт этибон эл борина
Гўрмадик жойларга бордим.

Банддаги «галдим» ва «бордим» сўзлари оҳангдошлиги, янгроқлиги жиҳатдан тўла қонли эмас. Уларнинг фақат қўшимча қисмигина оҳангдош. Ўзак қисми эса уйғун эмас. Булар оч қофиянинг оддий намунаси. Қофия ва унинг турлари, таркибий тузилиши шарқ поэтикасида алоҳида фан – «Илми қофия»да ўрганилган. Бу назария қофия таркибини фонетик жиҳатдан тўлароқ текширишда катта имкониятларга эга. Унга кўра қофия *равий* (луғавий маъноси туяга юк боғлайдиган арқон, истилоҳий маъноси эса, қофияни ташкил этувчи асосий унсур) ҳарфидан – товушидан иборат. Масалан, «вафо» ва «жафо» сўзларидаги **о** товуши, «вафодор» ва «жафодор» сўзларида эса, **р** товуши равийдир. Қофия назариясига кўра, қофияда равийдан ташқари яна саккизта унсур бўлиб, булардан тўрттаси – радиф, **қайд**, таъсис ва дахил равийдан олдин, тўрттаси – васл, хуруж, мазид ва **нойира** равийдан кейин келади.

Мумтоз поэтикага кўра, қофия иккита асосий гуруҳга – *муқаййад* (ўзакнинг оҳангдошлигига асосланган) ва *мутлақ* (қўшимчали сўзлар

¹ Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы: Учебник. С.7.

оҳангдошлиги) қофияларга ажратилади.

Муқаййад қофия *равий, таъсис, ридф, қайд, дахил* каби унсурлардан, мутлақ қофия эса, *васл, хуруж, мазид, нойира* сингари узвларни ўз ичига олади. Ушбу унсурларнинг қўлланишига нисбатан муқаййад қофия етти (*муқаййади мужаррад, муқаййади муассас, таъсисли ва дахилли муқаййад, ридфи аслийли муқаййад, ридфи муфрадли муқаййад, ридфи мураккабли муқаййад, қайдли муқаййад*) турга, мутлақ қофия эса 25 хил (*мужаррад, таъсисли, таъсисли ва дахилли, ридфи аслийли, ридфи муфрадли, ридфи мураккаб, қайд, хуружли, таъсис ва хуружли, таъсис, дахил ва хуружли, ридфи аслий ва хуружли, ридфи мураккаб ва хуружли, қайд ва хуружли, мазидли, таъсис ва мазидли, таъсис, дахил ва мазидли, ридфи аслий ва мазидли, қайд ва мазидли, ридфи мураккаб ва мазидли, нойирали, таъсисли ва нойирали, таъсис, дахил ва нойирали, қайд ва нойирали, ридфи аслий ва нойирали, ридфи мураккаб ва нойирали*) тасниф қилинади.

Кўриниб турибдики, Шарқ мумтоз қофия назарияси ўз характери жиҳатдан жуда ҳам мукамал фонетик тизимдир. Бинобарин, фольклор намуналаридаги қофия ҳам мазкур назария асосида тадқиқ қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

ҚОФИЯ ТИЗИМИ – шеърӣ асарнинг жанр хусусияти ва бахшининг ғоявий-бадий нияти тақозоси билан белгиланадиган қофиянинг банддаги ўрни ва тартиби. Масалан, *а-а, б-б, в-в* тартибдаги қофия маснавий, *а-а, б-а, в-а* тартиби ғазал, *а-б, в-б, г-б* тартиби қитъа, *а-а-а-а-а-а-а* ва *б-б-б-б-б-б-б-а* кўриниши мусамман жанрларининг қофия тизимидир ва ҳ.к.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам қофия тизими катта роль ўйнайди. Хусусан, тўртлик, терма, айтишув, лапар, марсия, дostonлардаги шеърӣ парчалар муқим қофия тизимига эгадирлар.

1. Ана шундай таҳлилга йўлловчи саволлардан сўнг ўқувчилар халқ оғзаки ижодига мансуб асарларда, хусусан, долstonларда инсон ҳаётининг ранш-баранг ҳолатлари асосий ўринда бўлиши ҳақида тушунчага эга

бўладилар. Энди ўқувчининг турли жанрларга хос хусусиятларни ўрганиб, назарий тушунчаларга таяниб, умуман бадиий адабиёт ва унинг ижтимоий – эстетик вазифасини тушуниб олишлари осон кечади.

2.3. Академик лицейларда эпик асарларни ўрганиш асосида назарий тушунчаларни ўзлаштириш усуллари

Академик лицейларда эпик асарларни ўрганишнинг ўз мақсад ва вазифалари мавжуд. Агар умумий ўрта таълим мактаблари ўқув дастурига назар ташласак, уларда бадиий жиҳатдан сара асарларни ўқиб ўрганиш, қатор назарий билимларни ўзлаштириш, асарлардан ёд олиш, асар қаҳрамонларига тавсиф бериш, мустақил ўқиб ўрганиш асосида ижодий ёзма ишларни бажариш каби қатор талаб ва вазифалар белгиланганлигини кўрамиз. Таълимнинг қуйи босқичларида ўзлаштирилган назарий билимларни чуқурлаштириш, таркиб топдирилган амалий кўникма ва малакаларга таяниб академик лицейларда бадиий асарларни ўқиб ўрганиш; жанр ва услуб хусусиятларини адабий таҳлилга боғлаб аниқлаш; эстетик тамойилларга таяниб бадиий асарларни таҳлил қилиш; асарнинг сюжети ва композицияси ҳақида тушунча ҳосил қилиш; эпизодлар, ўзига хос тасвирлар ва қаҳрамонлар образи устида ишлаш, асарнинг бадиий тафаккур тарзини ундаги муаллиф нуқтаи назарини мушоҳада қилиш орқали тушуниш, асарнинг тили, тасвир воситалари бадиий хусусиятларига баҳо бериш орқали ижодкор маҳорати ҳақида хулоса чиқаришга эришиш узлуксиз таълимнинг мазкур бўғинида амалга оширилади.

Демак, академик лицейларда бадиий асарларнинг ўзига хос сюжети ва композициясини, тасвир усулини, асар қаҳрамонлари қиёфасини ўрганиш орқали муаллиф нуқтаи назарини мушоҳада қилишга йўллаш; эпик асарнинг бадиий тафаккур тарзини таҳлил қилиш ва асарга эстетик баҳо бериш меъёрларини ўқувчиларнинг ўзлаштириб олишларига эришиш асосий таълимий мақсадни ташкил этади. Хилма хил услубдаги ёзувчиларнинг турли жанрларда яратган эпик асарларини ўқиб ўрганиш жараёнида ўқувчилар адабий асарлар муайян жанрда, шу жанр талаби доирасида яратилишини;

адабий жанр бадиий асарларнинг ўзига хос композицион қурилишига, бадиий тасвир усулига, баён тарзига, ҳаётий ҳодисаларни камраб олиш хусусиятига кўра туркумланишини тушуниб оладилар. Муайян бир жанрда ижод қилган ёзувчиларнинг асарлари ўзига хос услуби, тафаккур тарзи, мавзуси, ҳаётий материали, муаммолари, сюжети, қаҳрамонлари, бадиий тили каби катор унсурларга кўра фарқ қилишини англаб етадилар. Айни пайтда, ҳар қандай бадиий асар марказида инсон образи туришини, насрий асарларни ўрганишда уларга ҳам бошқа адабий турга мансуб асарлар каби бадиият талаблари асосида ёндошиш лозимлигини тушуниб оладилар. Ҳаётий ҳодисалар ва образларнинг таъсирчанлиги, бахшиларнинг бадиий бўёқлардан фойдаланишдаги санъаткорлиги, битта достонининг турли вариантларининг мавжудлиги бадиий асарга эстетик баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Эпик асарларни ўқиб ўрганиш ва таҳлил қилиш воситасида ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқлари такомиллашиб боради, улар асардан бадиий завқ олишга, ҳайратланишга ўрганадилар. Энг муҳими, ўқувчининг эстетик диди шаклланиб боради: гўзаллик ё дағаллик, нозиклик ё кўполлик тушунчаларига, турфа ҳолатларга, ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ўқувчи муносабати таркиб топади.

Зеро, ҳар қандай таълим- тарбия ёшларни ҳаётга, одамларга, эл-юртга, эзгу-мақсад ва тилакларга соғлом муносабатини таркиб топдиришга йўналтирилсагина самарали яқунланади. Зотан, лирик ё эпик асар бўлимидан қатъи назар, адабий тур ёки жанрлар ҳақидаги назарий билимларни ўзлаштириш фақат мантиқий жараёндан иборат бўлиб қолмаслиги, “...балки ҳамиша асардан гўзаллик топишга интилиш диққат марказида туриши лозим. Насрий тил жозибасини, турли-туман бадиий воситалар туфайли туғилган эстетик мўъжизаларни **пайқайдиган** ва шундан лаззатланадиган ҳамда шу лаззатнинг манбаини тушунтириб бера оладиган ўқувчилар миллий адабий таълимимизнинг энг олий мақсадидир”¹.

¹ Нишонова С. Комил инсон тарбияси. – Т.: Истиклол, 2003. – 224

Ҳар қандай адабий асар таҳлили ундаги қаҳрамонлар тимсолини ўрганиш орқали амалга оширилади. Фольклордаги эпик асар қаҳрамони образи устида иш олиб борилганда ўқитувчи икки муҳим жиҳатга эътибор бериши зарур:

1. Улардаги қаҳрамонлар ёзма адабиётдан мутлақо фарқ қилгани ҳолда, кўпроқ яқка шахс тимсолини акс эттиради.
2. Бу қаҳрамон халқ даҳосининг ижодий фантазияси, санъаткорлиги натижасида яратилган бадиий образдир.

Демак, ўқувчи онгида ана шу икки тасаввур ва тушунчани образлар таҳлили давомида уйғунлаштиришга эришиш лозим. Адабий асарларни ўқиб ўрганиш жараёнида ўқувчилар унинг мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қиладилар. Холбуки, асар мазмунини китобхон нафақат ўқиш орқали, балки асар қаҳрамонларининг туйғу-кечинмалари, дарду ҳасратларини ҳис қилиш орқали ҳам англаб олади. Лирик ёки эпик образлар ҳатти-ҳаракатлари, кечинмалари орқали юзага чиқадиган маънолар ўша асарнинг мазмун кўламини ташкил қилади. Асар мазмуни эса хилма-хил бадиий воситалар ва жанр унсурлари воситасида китобхонга англашилади. Академик лицейлар адабиёт дарслигидаги эртаклар, афсона ва ривоятлар, шунингдек, дostonлар ҳақида назарий тушунча бериш кўзда тутилган. Бинобарин, асарнинг жанри унинг мазмунини юзага чиқарувчи шаклий унсурларни тутиб турувчи восита ҳисобланади. Эртаклар халқ томонидан яратилиб, халқ томонидан оғзаки тарзда айтилган.

Бадиий ижодда инсон руҳияти тасвири кўпроқ лирик турга мансуб асарларда чуқур ёритилади. Насрий асарларда эса инсон қалби, руҳияти ифодаси унинг руҳияти таҳлили орқали очилади. Шу сабабли, жаҳон адабиётининг кўплаб санъаткор ижодкорлари “санъаткор руҳшунос” деган номга сазовор бўлганлар. Улар яратган асарларни ўқиганимизда воқеа-ҳодисалар эмас, биринчи галда персонажлар руҳиятидаги жараёнлар бизни ром этади, ҳаяжону ҳайратга солади.

Фольклор асарлари, айниқса, халқ достонларида ҳам инсон руҳиятини тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган сирли жиҳатларни тасвирлашда руҳият тасвиридан ўринли фойдаланилган.

Бу хусусиятни айниқса, “Алпомиш”, “Рустамхон”, “Кунтуғмиш”, “Гўрўғли” туркум достонлари тимсолида яққол кўриш мумкин. Айни чоғда, достонларда ҳаётий воқеалар тасвирланар, одамларнинг руҳиятини бадиий тарзда ёритилар экан жонли тил имкониятларидан унумли фойдаланишга гувоҳ бўламиз. Аслида, халқ достонлари тили адабий тилдан ҳам, ёзма адабиёт тилидан ҳам фарқ қилади,

Бахшилар маълум тарихий даврни ҳаққоний тасвирлаш мақсадида ўтмишда истеъмолда бўлган атамалар, сўзлардан фойдаланади, қаҳрамонлар нутқини тарихий даврга мослаб куради; шевага хос хусусиятларни ёрқинрок очиб беришда фойдаланади. Айниқса, қаҳрамонлар характерини яратишда ўзига хос нутқи алоҳида аҳамиятга эга.

Бадиий асар тили адабий тилдан ҳам, сўзлашув тилидан ҳам фарқ қиладиган, айни пайтда, уларнинг ҳар иккаласига ҳам таянадиган тилдир. Ёзувчи ҳаётий ҳодисаларни ва инсонлар образини тасвирлашда адабий тил бойликларидан меъёрида фойдаланади, айрим ҳолларда қаҳрамонларнинг ўзига хос сўзлашув хусусиятларини ёрқин кўрсатишда ҳатто шева унсурларидан ҳам фойдаланади.

Асарда тасвирланадиган давр манзарасини тарихий воқеалар руҳини таъсирчан, ҳаққоний ёритишда тарихий сўзларни, эскирган сўз ва атамаларни қўллаш орқали асарнинг ҳаётийлиги таъминланади.

Асар бадиий тилини ўрганишда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилади, айни пайтда, муаллиф нутқи ва қаҳрамонлар нутқига ҳам ўқувчилар диққати қаратилади.

Муаллиф нутқи орқали асар воқеалари бири иккинчисига уланади, қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси – портрети кўз ўнгимизда жонлантирилади, табиат тасвири олиб кирилади, қаҳрамонларнинг руҳий изтиробни тасвирланади. Муаллиф нутқи воситасида биз тасвирланадиган ҳаётий

ходисаларга, инсонлар образига нисбатан ёзувчи муносабатини илғаб оламиз, ижодкор дунёқарши, тафаккур тарзи ҳам асардаги нутқи воситасида жой тасвири, бадиий деталлар яратилади, улар асар ғояси, қаҳрамонлари ҳаракат қиладиган майдонни – маконни ташкил этувчи унсурлар вазифасини ўтайди. Булардан ҳар бирининг бадиий вазифасини ўрганиш давомида зарур назарий тушунчалар ўзлаштирилади. Ана шундай дарсни таълимнинг замонавий технологиялари воситасида ташкил этиш мумкин.

3 БОБ. ФОЛЬКЛОРГА ОИД АДАБИЙ-НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

3.1. Адабий-назарий тушунчаларни ўрганишда педагогик технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари

“Технология” сўзи юнонча бўлиб, “техне” – маҳорат, санъат, “логос” – тушунча, таълимот маъноларини англатади. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўзаро узвийликда ташкил этиш; таълим тарбия жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бажариладиган ишларни ўзаро мувофиқлаштириш, босқичма-босқичлигини таъминлаш, режалаштирилган, натижалари кафолатланган, лойиҳалаштирилган амалий ишларни талаб даражасида маҳорат билан бошқариш назарда тутилади.

Таълим-тарбия жараёнида “интерфаол методлар” номи билан кириб келаётган методлардан “ақлий ҳужум”нинг мақсади ҳам ўқувчилар фаоллигини ошириш, уларни мустақил амалий ишга жалб этиб, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, бир мавзу теварагида турли хил фикрларни тўплаш ва масалага ижодий ёндашувни таъминлашдан иборат. Бу метод А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган.

Ақлий ҳужум – ўқувчилар олдига қўйилган муаммоларни бор билим ва имкониятларига таяниб, фаол ҳал этишлари учун кенг имконият яратувчи метод:

а) ўқувчи олдига қўйилган муаммога хилма-хил мулоҳазалар билан ёндашишга ундайди;

б) янги-янги фикрлар туғилишига имкон беради;

в) эркин фикр, ижодий ёндашув натижасида ўқувчиларнинг тасаввурларига эрк берилади;

г) ҳар бир ўқувчи ўз фикрларини асослашга уринади;

д) ҳар жиҳатдан асосли фикр тўғри хулосага олиб келганлиги кузатилади ва бунга ишонч ҳосил қилинади.

е) кучли ғояга асос бўлган фикр чуқур билимдан, назарий фароздан туғилади.

Энди “Алпомиш” асаридан парчани “ақлий ҳужум” методидан фойдаланиб ўтишнинг намунасини ҳавола қиламиз.

Асар матнига шу нуқтаи назардан ёндашиб ўрганиш режалаштирилади. Айни пайтда, қаҳрамон руҳиятини ёритишда руҳий таҳлил усулидан ёзувчи қандай фойдаланганлигига ўқувчилар диққатини қаратиб, бадиий асар тили бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни мустаҳкамлаш кўзда тутилади. Демак, матнга шу назар билан ёндашиб, савол-топшириқларни ҳам шу талқин талабида тузиш керак.

Ўқитувчининг кириш сўзида “Алпомиш” достони ҳақида умумий маълумот беради. Унинг ижрочиси Фозил Йўлдош ҳақида, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқа маълумотлар баён қилинади. Шундан сўнг асар мутоаласига ўтилади. Асарнинг жанри ҳақидаги назарий тушунчаларни ва композиция унсурлари ҳақида сўралади: “Нима сабабдан дostonга “Алпомиш” деб сарлавҳа қўйилганлигини изоҳлаб беринг. Бу савол ўқувчиларни мулоҳаза юритишга ундайди, асар ғояси – эпик тафаккур тарзини ўрганишга йўллайди.

Бунда шундай савол берилиши мумкин: Асардан икки ака-уканинг ноаҳиллиги туфайли фақат бир хонадон эмас, балки бутун бошли бир элат, “ўн минг уйли қўнғирот” бошига тушган қайғули ҳолат тасвирланган манзараларни топиб қайта ўқинг ва таҳлил қилинг. Бойбўри ва Бойсарилар хонадонининг ноаҳиллигига сабаб бўлган воқеаларни изоҳланг.

Қаҳрамон руҳий ҳолатини очувчи воситаларни асардан топинг. Бойсари руҳияти ёрқин тасвирланган ўринларни қайта ўқинг ва изоҳланг.

Кейинроқ эса мана бундай саволларни бериш мумкин:

Қалдирғочнинг акасига нисбатан қўпол ва кескин муносабатига сабаб нима?

Сиз Қултойга қандай баҳо берасиз? Унинг хизматкор бўла туриб Ҳакимбекка дўқ-пўписа қилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Дostonда оталар образи қандай ифодаланган? Уларга қандай баҳо берасиз?

Сурхайил кампир қандай шахс? Унинг ижобий жиҳатларини нималарда кўрасиз? У ўз яхши ниятини амалга оширишда танлаган усуллари билан тўғри иш қилдими, унинг қилган ишини оқлайсизми?

Барчин танлаган йўл сизга қандай таъсир қилди?

Кашал алплари қандай йигитлар? Уларга қандай баҳо берасиз?

Бу каби йўналтирувчи саволлар шундай ўртага ташланиши керакки, ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида асарни таҳлил қилаётганликларини зинҳор сезмасинлар. Улар гўё ўзлари барча саволларда акс этган муаммоларни мустақил ҳал этаётгандай руҳланиб, баҳслашиб, кизиқиб фикр айтсинлар. Ўқитувчи эса фикрларни фикрга “улаб”, ривожлантириб, янги ғоялар сари ўқувчиларни илҳомлантириб туриши керак.

Бугунги таълим жараёнида кенг қўлланилаётган интерфаол усуллардан яна бири “6x6x6” таниқли методист олим Е.А.Александров томонидан ишлаб чиқилган ва Г.Я.Буш томонидан такомиллаштирилган. Бу метод билан ишлашда ўқувчилар олти-олтидан гуруҳларга бўлинади, ҳар бир гуруҳга муайян ном берилади. Мавзу эълон қилиниб, маълум вақт белгиланади, сўнг ўқувчилар мавзу доирасида тақдим этилган саволлар бўйича баҳслашадилар. Вақт тугагач, янги гуруҳлар мунозарани давом эттирадилар, аввалги гуруҳлардан ўз саволига асосли мулоҳаза билдириб, баҳсда фаол қатнашган биттадан ўқувчигина кейинги гуруҳда баҳсни давом қилдириши мумкин. Янги тузилган гуруҳлар очик қолган ёки етарли жавоб қайтарилмаган муаммоли саволлар юзасидан мунозарани давом эттирадилар, аввалги гуруҳ билдирган хулосаларга ўз муносабатларини билдирадилар, бу фикрларга баҳо ҳам берадилар. Иш жараёнида ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига, ғояларига ўқитувчи эътибор бериб боради, мунозарада фаол қатнашган ўқувчилар рағбатлантириб борилади. Таҳлилга йўлловчи саволлар билан бирга, ўқувчиларга матндан қаҳрамон образи устида иш олиб боришга, унинг руҳияти ва характерини таҳлил этишга ёрдам берувчи кўчирмалардан ҳам карточкалар орқали тарқатиш мумкин.

Бундай кўчирмалар (матн устида ишлаш) воситасида ўқувчи эгаллаган назарий билимларга таяниб фикрлашга жалб қилинади. Билимларни амалий фаолиятда мустаҳкамлаш ва янада чуқурлаштириш имкони яратилади. Натижада, янги билим ва назарий тушунчаларни ўзлаштиришда янги имкониятлар вужудга келади. Янги адабий-назарий билимларни ўзлаштириш бўлса, ўқувчининг қобилияти, қизиқишлари, эҳтиёжига кўра амалга ошади. Таълимда ахборот берувчи методлар белгилаб берилган йўналишдагина иш кўрадиган, ўзи мустақил изланиб янги билимларни ўзлаштира олмайдиган, пассив шахсиятни шакллантиради. Шу боис, янгиланган педагогик тафаккур таълимда ўқувчиларни фаолликка ундовчи методларни кенг ёйишни тақозо этади. Зотан, адабий таълим назарий билимлар, тушунча ва маълумотларни ўқувчи онгида тугал шакллантиришни ҳеч қачон бош муддао деб белгиламайди, балки ўқувчиларнинг ижодий тафаккур имкониятларини очишни, билишга бўлган табиий эҳтиёжни янги-янги билимлар ва назарий тушунчаларни ўзлаштириш жараёнининг зарурий шартига айлантиришни кўзда тутаяди.

Ўқувчини мунтазам фаолликка ундаш, асар қаҳрамонлари тимсолида жонли инсонни тасаввур этишга, образ кечинмаларига ҳамдардлик орқали ўзга инсонларни ҳис қилиб, англашга кўмаклашиш, шу орқали ўқувчининг ўзлигини англашига даъват қилиб бориш ҳамisha адабий таълимнинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Аллардаги ўқувчилар ўзлаштиришлари белгиланган назарий билимлар меъёри ва мазмунини белгилашда адабиёт ўқитувчилари ўқув дастури билан дарсликларга, методик адабиётларга, адабий-назарий билимларнинг бугунги фан равнақи даражасида қабул қилинган мезонлар, ДТС ўлчамларига таяниб иш юритишлари аниқ. Айни пайтда, узлуксиз адабий таълимнинг академик лицейларда ўрганилиш кўзда тутилган назарий тушунчаларнинг энг кўп даражада, самарали ўзлаштирилишини таъминлаш учун ўқитувчилар қуйидаги методик тавсияларга амал қилишлари лозим деган хулосага келдик:

– адабиёт ўқитувчилари ўқувчиларга АЛларда олдинги босқичларда олинган билимлар билан мазмунан узвий боғланган назарий билимларни асар қурилиши, жанри, бадиий хусусиятини ўрганишга йўналтирилган таҳлил дарслари орқали ўргатиб борсалар, ўқувчилар шеър тузилиши, вазн, қофия, шеърини композиция, шеърини санъатлар, бадиий тасвир воситалари, қофия ҳақида муайян билим ва малакаларни эгаллашга эришадилар;

– бадиий асарни ифодали ўқишга ўргатиш; асарни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчига тушунтириш кўзда тутилган назарий тушунчалар мазмуни, меъёри, мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш; уларни ўрганишга йўналтирилган қўшимча савол ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш; шу тизим асосида ўқувчи ўзлаштирган назарий билимлар даражасини аниқлаб, мустақил иш турларидан фойдаланиш назарий билимларнинг чуқур ўзлаштиришга таъсир кўрсатади;

– бадиий матн устида ишлаш орқали ўқувчиларда адабий-эстетик таҳлил малакасини шакллантириб боришга, эгалланган назарий билимларни мустақил амалий фаолиятга татбиқ этишга ўргатиш, адабий таълим самарадорлигини оширади.

Ўқувчиларнинг академик лицейларда шеърини ва насрий асарларни ўрганиб, белгиланган назарий тушунчаларни ўзлаштиришларида қаҳрамон образи (лирик қаҳрамон)ни асарнинг шеърини ёки эпик тафаккур тарзига боғлаб таҳлил қилиш; эпизодлар, бадиий деталлар, асар бадиий тилини ўрганишда анъанавий таълим методлари билан бирга “интерфаол методлар”дан фойдаланиш юқори самара беради.

Ўқувчилар ўзлаштиришлари кўзда тутилган назарий билимлар меъёрини белгилашда ўқувчиларнинг ёши, руҳияти, адабий таълим босқичи, билимларни ўзлаштиришдаги индивидуал хусусиятлари эътиборга олиниши зарур. Айни чоғда, назарий билимлар “оддийдан мураккабга” принципи асосида, бевосита асарлар таҳлиliga боғлаб, ёритилиши керак.

3.2. Эпик асарлар таҳлили орқали назарий тушунчаларни шакллантириш

Академик лицейларда фольклорга оид бир қатор эпик асарларни ўрганиш режалаштирилган. Улар эртаклар, ривоятлар, афсоналар, дostonлардан иборат. Бундай асарларни таҳлил қилиш, аслида ўқувчиларинг бадиий-эстетик дидларини шакллантириш ва такомиллаштириш демакдир. Том маънодаги бадиий асар таҳлили аслида асарнинг бадиий-эстетик жиҳатларини аввал қисмларга ажаритиб, кейин уларни яхлитлигича тасаввур қилишга имкон беради. Таҳлил давомида ўқитувчи асарнинг асосий, етакчи бадиий хусусиятларига ўқувчилар диққатини тортишни кўзда тутди. Ушбу жараёнда бир қатор назарий тушунчалар ҳам шакллантириб борилади.

Дарс жараёнида асар таҳлилинини тўғри ташкил этиш, аниқ мақсадли усулларни танлай олиш, дарсни илмий-методик асосда ташкил этиш, ўқувчиларни таҳлилга йўллаш, намунавий таҳлил дарсини ўтказиш, ўқувчиларни энг кўп даражада мустақил фикрлашга ундаш – адабий таҳлилдан кўзланадиган таълимий мақсадлар ҳисобланади. Адабий таҳлил орқали ҳам ўқувчиларнинг эстетик дидларини ўстириш; ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга эришиш ва маънавий сифатларини камол топтириш асосий муддаодир.

3.1.-жадвал

“Алпомиш” достони персонажлари тилини ўрганишга оид жадвал намунаси

Барчин руҳияти тасвирига мисоллар	Алпомишга хос хусусиятлар тасвирига мисоллар	Қалдирғоч руҳияти тасвирига мисоллар	Айрим персонажлар ва эпизодлар тасвирдан мисоллар	бахши нуткидан мисоллар	Жой ва буюмлар тасвирига мисоллар

Хулоса қилиб айтганда, академик лицейларда асар мазмунини ўқиб ўрганиш ва қаҳрамонлар тимсолини тавсифлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу йўл билан бирга ўқувчиларга дастурда белгиланган назарий тушунчаларни ўргатиш адабий таҳлил дарсларини ташкил этиш орқали

амалга оширилса, самара бериши аниқ. Бу борада адабиёт ўқитувчилари қуйидаги методик талаблар ва тавсияларга амал қилишлари лозим:

1. Бадиий асарни ифодали, ижодий ёки шарҳлаб ўқиш усулларидадан фойдаланиб, ўқувчиларни таассуротларига таяниб таҳлил қилишга йўллаш мумкин, айти чоғда дастурда белгиланган назарий тушунчаларни таҳлил давомида ўзлаштириш кўзда тутилиши керак.

2. Ўқувчини бадиий асарларни адабий-танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ўргатишда қамровли таҳлил, қиёсий таҳлил, муаммоли таҳлил каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Адабий матнга таяниб таҳлил қилиш воситасида ўқувчилар қолиплаш санъати, бадиий асар тили, шеърый санъатлар ҳақидаги назарий тушунчаларни ўзлаштиришлари осон кечади.

3. Тадқиқот методи ёки адабий талқин усулларига таяниб ўқувчилар бадиий асарнинг эстетик хусусиятларини ўзлаштиришга эришадилар; уларда адабиётшуносга хос малака куртаклари шаклланиши мумкин. Айти чоғда улар ижодкор яратган бадиий оламини идрок эта оладилар, ижодкор шахсини англайдилар.

4. Матн асосидаги таҳлил воситасида эса ўқувчилар ижодкор услубининг ўзига хос қирраларини аниқлашга, бадиий асар тилини ўрганиш асносида ёзувчи маҳоратига эстетик баҳо бериш имкониятига эга бўладилар. Натижада, уларда хилма-хил асарларни мустақил ўқиб ўрганиш ва бадиият талаблари асосида баҳолаш малакаси таркиб топади.

Академик лицейларда адабий турлар ва жанрлар ҳақида муайян назарий билимларни ўзлаштирган ҳолдагина ўқувчилар асар жанр талаблари ва имкониятларини тўла тасаввур қилишлари мумкин.

– услуб ва маҳорат, бадиий асар тили, эстетик таҳлил тамойиллари, бадиий ижодда анъана ва новаторлик каби масалаларга оид назарий билимларни ўқувчиларнинг ёшига, билим даражасига, эстетик дид ва дунёқарашига мос ҳолда сингдириб боришга эришиш лозим;

– қиёсий таҳлил усулидан ҳам ўқитувчи унумли фойдаланиши мумкин. Бу усул санъаткор яратган хилма-хил асарларни ўзаро қиёслаб ўрганиб, ижодининг ўсиш-ўзгариш босқичларини белгилашда, алоҳида асарларга қиёсий жиҳатдан баҳо беришда, ёзувчи ёки шоирлар услубларини ўзаро қиёслаб ўрганишда мақбул усул ҳисобланадики, бу ҳақда методист-олимлар М.Мирқосимова, Қ. Йўлдошевлар махсус тадқиқот ишида, монографияларида сўз юритишган.

Ана шундай усулларга таяниб, ўқитувчи фольклор асарлари имкониятлари асосида яратилган бадиий образлар тимсолида қандай эпик тафаккур тарзини бадиий акс эттирганликларини ўқувчиларга тушунтира олади, деб ўйлаймиз. Натижада, улар фольклор асарлари ёрдамида бир қатор назарий билимларни (адабий тур ва жанрлар, услуб ва маҳорат, эпик қаҳрамон, қаҳрамоннинг маънавий олами, бадиий тасвир воситалари ҳақидаги) чуқурлашувига эришадилар.

Хилма-хил жанрдаги асарлар матнига таяниб, бадиий хусусиятларини ўрганиш; бадиий асарнинг барча қисмлари билан сюжет-композиция унсурлари алоҳида ҳамда узвийликда муайян бадиий вазифани бажаришини ўқувчига чуқур тушунтириш; адабий асар сўз санъаткорига хос бадиий маҳорат кўзгуси эканлигини асослашдан иборат. Хусусан, шеър тузилиши, вазни, қофия тарзи, оҳанги, тасвирий воситалар, қаҳрамон қиёфаси, кечинма ё ҳолат замиридаги маънолар табиат тасвирига жо этилган кечинмалар мазмун моҳияти адабий матн асосида таҳлил қилингани каби роман ё қисса матни ҳам унинг бадиий хусусиятларини ўрганишга асос бўлади.

Таҳлил давомида ёзувчи услуби ва маҳоратини намоён этувчи тасвирий манзаралар, руҳий ҳолатлар, диалоглар ёки эпизодлардан, буюмлар тасвирига хос ёрқин мисоллардан ўринли фойдаланиш ва ўқувчининг, ёзувчининг ғоявий бадиий концепцияси уларнинг бадиий вазифасини изоҳлашга ўргатиш натижасида ана шундай воситалар орқали ёритилганлиги тўғрисида аниқ тушунчалар шакллантирилади.

Адабий матн ўқувчига санъаткорнинг ижодий тафаккур тарзи, дунёқараши, шахсий сифатларига оид муайян хулосалар чиқариш имконини беради. Шу боис юқори синфларда адабий таҳлил ва талқин усулидан самарали фойдаланилган ҳолда, ўқувчиларда назарий тушунчалар шакллантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, адабий таҳлил дарсларини ташкил этишда изланиш ва ижодкорликка йўлловчи илғор таълим методи ҳамда усулларидан фойдаланиш натижасида зарур назарий тушунчалар ва малакалар шакллантирилади. Дарснинг самарадорлик даражасини эса ўқитувчининг билими, ижодкорлик қобилияти, дарсни илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этишдаги маҳорати белгилайди. Зотан, ўқувчининг бадиият оламига меҳрини, бадиий ижод намуналаридан ҳайратланиш ҳиссини уйғота олган ўқитувчи фаолиятигина самарали яқунланади.

Тажриба-синов ишлари натижалари.

Биз ўз тажриба-синов ишларимизни уч босқичда амалга оширдик.

Биринчи босқичда илмий-тадқиқод ишининг I бобида илгари сурилган масалалар, илмий муаммо юзасидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги АЛ, Жаҳон тиллари университети қошидаги 2 - АЛларда ўқувчиларда шакллантирилган назарий билимлар даражаси ўрганилди. Саволномалар тарқатилди ва 25 соат дарс кузатиш давомида адабиёт ўқитувчиларининг назарий билимлари даражасига ҳам эътибор қаратилди. Ўқитувчиларга қуйидагича саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Сиз адабий таълимга эстетик таҳлилни олиб киришга ҳаракат қиласизми? (Ҳа, йўқ) (“Ҳа” жавоби 72%ни ташкил этди.)

2. Таҳлил дарсларини ташкил этишда қайси жиҳатларда қийинчилик сезасиз?

а) Назарий билимлар етишмаётганини ҳис қиламан;

б) асарнинг бадиий хусусиятларини очиб беришда қийналаман;

в) дарснинг ташкилий жиҳатларини ҳал қилишда қийналаман;

89% ўқитувчилар бу саволларнинг “а” ва “б” бандларини кўрсатиб, адабий асарлар таҳлилида назарий билимлари талабга жавоб бермаётганлигини тан олганлар.

Адабиёт ўқитувчиларини қийнаётган муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилиб, илмий тадқиқотимизнинг II ва III бобларида илгари сурилган қарашлар, фикр-мулоҳазалар асосида бир қатор методик тавсиялар яратдик, жумладан “Академик лицейлар адабиёт ўқитувчилари методик семинарларида “Ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш”, “Юқори синфларда назарий билимларга таяниб, адабий асарларни таҳлил қилиш” мавзуларида методик маърузалар ўқидик, ўз тавсияларимизни бердик. Тажриба-синов ишлари олиб борилган мактаблар ўқувчиларига ҳам анкета саволларини тарқатдик.

1. Адабиёт ўқитувчингиз зарур назарий билимлар беришга эришяпти, деб ҳисоблайсизми? (“Ҳа”, “Йўқ”. “Ҳа” – 53%, “Йўқ” – 47%).

2. Адабий асарларни ўрганишда назарий билимларингизга таяниб иш кўрасизми? (“Ҳа” – 41%).

3. Қайси жанрга мансуб асарларни таҳлил қилишда қийналасиз? (“Ҳамма жанрдаги асарларни”–58%, “Лирик адабий турга мансуб асарларни” – 32%, Назарий асарларни –10%).

4. Адабий асарларни таҳлил қилишда назарий билимларингиз етишмаётганлигини ҳис қиласизми? (“Ҳа” жавоби–77%; “Йўқ” жавоби–23% ни ташкил қилди).

Иккинчи босқичда тажриба синфларида ўқувчиларнинг назарий билимлари даражасини аниқлаш юзасидан зарурий билим ва малакаларнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқдик ва анкета саволлари натижалари асосида ўқувчилар билан иш олиб бордик.

“А”–ўқув дастурида белгиланган назарий билимларни ўзлаштирган ўқувчилар аниқланди (7,56%). Улар назарий билимларга таяниб, асарларнинг жанр хусусиятини тушунган ҳолда матнни таҳлил қила оладилар.

“Б”–ўқув дастурида белгиланган назарий билимларни ўртача (12,97%) ўзлаштирган ўқувчилар. Улар ўртача даражадаги назарий билимларга эга, натижада, матн устида ишлай оладилар, аммо уни тўла таҳлил қилишда қийналадилар.

“С”–ўқув дастурида белгиланган назарий билимларнинг суств даражасини кўрсатувчи ўқувчилар (79,47). Уларда зарурий назарий билимлар суств, матн устида ишлашда қийналадилар, бадий асарларни таҳлил қилолмайдилар.

1-жадвал

№	АЛ	Ўқувчилар сони	“А” гуруҳига кирувчи ўқувчилар	%	“Б” гуруҳига кирувчи ўқувчилар	%	“С” гуруҳига кирувчи ўқувчилар	%	Сумма %
1	ТДПУ	108	8	7,41	12	11,11	88	81,48	100,00
2	ЎзЖТУ	108	11	10,19	15	13,89	82	75,93	100,00
	Жами	216	19	7,56	27	12,97	170	79,47	100,00

Учинчи босқичда “А” гуруҳидаги ўқувчиларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, амалий кўникмаларини такомиллаштириш, муваққил фикрлаш салоҳиятларини ўстириш мақсадида интерфаол усулларни қўллаб улар фаолиятини янада жонлантиришга ҳамда қўшимча назарий билимларни беришга ҳаракат қилинди. Муваққил ўқиш, таҳлил қилишга йўналтирувчи топшириқлар бердик.

“Б” гуруҳидаги ўқувчиларнинг назарий билимлари бадий тасвир воситаларини, жанр ва услубни белгилашда, матн таҳлилида айрим жиҳатлардан оқшанини аниқлаб, ўқув дастури талаблари асосида назарий тушунчаларни шакллантиришга киришдик, намунавий таҳлил дарсларини кўпроқ ташкил этишга ҳаракат қилдик. Уларда муваққил таҳлил қилиш малакасини шакллантиришга ва назарий билимларни чуқурлаштиришга ёрдам берувчи савол ва топшириқлардан унумли фойдаландик.

Ўқувчиларнинг китобхонлик даражасини янада ўстиришга, муваққил фикрлашига шароит яратишга эришдик.

“Д” гуруҳидаги ўқувчиларда назарий тушунчаларни шакллантиришга адабий матнни тушуниб ўқишга, матн асосида таҳлил қилишга, содда амалий топшириқлар устида ишлаш орқали аста-секин эришиб борилди. Уларнинг китобхонлик малакасини ривожлантиришга, мустақил фикрлашга, оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга жиддий эътибор қаратилди. Назорат натижаларидан қаноат ҳосил қилдик, чунки натижа кўрсаткичлари ортиб борди. Айниқса, “Д” гуруҳларда кўрсаткичлар юқори бўлган.

Тажриба синфлари сифатида танлаб олинган назорат синфларидаги ўқувчиларнинг назарий билимларини ўзлаштириш даражаларининг ортишига мутаносиб, улар эгаллаган билим ва малакалари даражаси ҳам ўсган. Тажриба учун 216 та ўқувчи танланган бўлиб, 91 таси “А” гуруҳни, 54 таси “Б” гуруҳни, 71 таси “С” гуруҳни ташкил қилган. Илмий тадқиқот ишида илгари сурилган ғояларни ҳаётга, мактаб амалиётига татбиқ этилиши жараёнида, биз тавсия қилган методик ишланмаларга ҳамда тавсияларга таяниб иш олиб бориш натижасида, 1018 ўқувчидан 91 таси “А” гуруҳига, 54 таси “Б” гуруҳига, 71 таси “С” гуруҳига киритилди.

3-жадвал

№	АЛ	Ўқувчилар сони	«А» гуруҳига қирувчи ўқувчилар	%	«Б» гуруҳига қирувчи ўқувчилар	%	«С» гуруҳига қирувчи ўқувчилар	%	Сумма %
1	ТДПУ	108	45	41,67	27	25,00	36	33,33	100,00
2	ЎзЖТУ	108	46	42,59	27	25,00	35	32,41	100,00
	Жами	216	91	39,98	54	25,74	71	34,28	100,00

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Биз ўтказган ва ушбу диссертацияда тақдим этган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни ифодалаш имконини берди:

1. Ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни халқ оғзаки ижоди намуналари асосида шакллантириш, адабий ходисаларни ҳис қилиб, тушунишга ўргатиш билан бирга, бадиий асарнинг ўзига хослигини идрок этиш, асарнинг етакчи ғоявий-эстетик хусусиятларини белгилаш, адабий таҳлил малакасини таркиб топтириш мақсадини ҳам назарда тутди, ёшларнинг юксак маънавиятли шахс сифатидаги тарбияланишига хизмат қилади.

2. Академик лицейларда ўқувчиларга адабий-назарий билимлар ўқув дастурида белгиланган адабий материалларга боғлаб, олдинги босқичда ўрганилган билимларга таянилса, узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида шакллантирилса, мазкур билимларнинг тизимли тарзда таркиб топишига эришилади.

3. Академик лицейларда адабий-назарий билимлар бериш жараёнида анъанавий дарс усуллари билан биргаликда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш юқори иш самарадорлигининг кафолати бўла олади. Булар охир-оқибатда ўқувчиларнинг адабиётга, жумладан, оғзаки ижод намуналарини ўрганишга бўлган қизиқиш ва ҳавасларини янада орттиради.

4. Адабий-эстетик таҳлил жараёнида назарий билимлардан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг адабий асарлар муайян жанрда, шу жанр талаби доирасида яратилишини, ҳар бир асар мавзуи, ҳаётий материали, муаммолари, сюжети, қаҳрамонлари, бадиий тили ёзувчининг ўзига хос тасвир услуби, тафаккур тарзи каби қатор унсурларга кўра фарқ қилишини англаб этишга ёрдам беради. Натижада, асар таҳлиliga бадиият талаблари асосида ёндошиш лозимлигига, муаллифнинг бадиий бўёқлардан фойдаланишдаги санъаткорлиги асарга эстетик баҳо беришда муҳим аҳамият касб этишига ишонч ҳосил қиладилар. Бадиий баркамол асарларни ўқиб ўрганиш, таҳлил

қилиш воситасида ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқлари такомиллашиб боради. Улар асардан эстетик завқланиш ва хайратланишга ўрганадилар.

5. Ўқув дастурида белгиланган адабий-назарий билимлар ўзлаштирилишини муайян тизимга солишда, мустахкамлаш, тўлдиришда дарслик материаллари билан бирга қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ижобий самара беради.

6. Ўқувчиларнинг адабий-назарий билимларни пухта ўзлаштиришларига эришиш, уларда адабий таҳлил малакасини такомиллаштиришга ёрдам беради. Натижада, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳияти ҳам такомиллаша боради, соғлом маънавиятли, мустақил фикрли шахсни шакллантиришда самарадорликка эришилади.

7. Адабий таълим ўқувчи онгида назарий билимлар, тушунча ва маълумотларни тугал шакллантиришни ҳеч қачон бош муддао деб белгиламайди, балки назарий билимларга таяниб ўқувчиларнинг ижодий тафаккур имкониятларини кенгайтириш ҳамда билимга бўлган табиий эҳтиёжни юзага келтиришни кўзда тутаяди.

Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш бўйича **тавсиялар:**

1. Академик лицейларда ДТС бўйича ўзлаштирилиши кўзда тутилган билимлар, кўникма ва малакалар адабий-назарий тушунчаларнинг ўқувчилар ёши, адабий тайёргарлик даражаси, билим савияси ва малакалари эътиборга олинган ҳолда содда, аниқ, тушунарли тарзда, бевосита асарлар таҳлиliga боғлаб тушунтиришни тақозо этади.

2. Адабий-назарий тушунчалар мазмуни, меъёри, мақсад ва вазифалари олдиндан аниқ белгиланган тақдирдагина ижобий самаралар бериши мумкин.

3. Ўқувчиларнинг ҳар бир санъат асари ҳаёт ҳодисалари ва инсон шахсини ўрганишнинг муайян ғояни очишга йўналтирилган тизимли воситаси эканини англаб олишларига эришиш адабий асарларнинг шаклий хусусиятлари, қурилиши, сюжет ва композицияси ҳақидаги назарий тушунчаларни пухта ўзлаштириш заруратини юзага келтиради. Шундагина

назарий тушунчалар ўқувчига ҳиссиз, мушкул ва маъносиз қоида тасаввурини бермайди.

4. Бадиий асарга ўз ҳис-ҳаяжонлари ва таассуротларига таяниб муносабат билдиришга ўргатиш орқали ўқувчини ўзи англаб, ҳис қилган нарсалар ҳақида жонли, эҳтиросли фикр айтишга одатлантириш мумкин. Натижада ўз нуқтаи назарига эга шахсни шакллантиришга эришилади.

5. Адабий асарнинг ўзига хос тафаккур тарзини тўла идрок этмай туриб, ўқувчилар унинг ички мантиқини, ҳақиқатларини тўла ҳолда кашф эта олмайди. Ўқиб-ўрганиш, кўзда тутилган асарларни ўқувчилар томонидан ўқиб чиқилишига эришиш, долзарб амалий-методик муаммодир.

6. Китоб ўқиш—маънавий эҳтиёжга айланиши учун ўқувчи ўз меҳнатидан завқ туйиши кераклигини унутмаслик, адабий таълимни ана шу йўналишда ташкил этишга эришиш натижасидагина, таъкидланган муаммо ечимига етиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Т. 8. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, «Маънавият», 2008,
3. Каримов И. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Тошкент, Ўзбекистон, 2009.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори). – Т.: Шарк нашриёти – матбаа концерни, 1997. 31-61 б.
5. Ўрта махсус касб-хунар таълими учун Адабиётдан ўқув дастури. – Т.: 2008.
6. Адабий турлар ва жанрлар. Уч томлик. –Т.: «Фан», 1991.
7. Адабиёт назарияси. Икки томлик. –Т.: «Фан», 1981.
8. М.Алавия. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. –Т.: Фан, 1974.
9. «Алпомиш» достони. –Т.: Фан, 1987.
- 10.S.Ahmedov, B Qosimov, R.Qo‘chqorov. Sh.Rizaev. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi jchjn darslik - Toshkent, “Sharq”, 2007.
- 11.Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ (Аруз вазни ва бадий воситалар ҳақида), форсчадан Алибек Рустамов таржимаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 34-274 бетлар.
12. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
13. Бектаев А. Топишмоқларнинг нутқ ўстиришдаги ўрни. – Оғзаки ва ёзма нутқ муаммолари. Мақолалар ўплами, Тошкент, 2010, 130-132-бетлар.
14. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996. 24-35 б.
- 15.Ғ.Жалолов. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. –Т.: Фпн, 1976.
16. В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов Узбекский народный героический эпос. –М.: ГИХЛ, 1947.

17. Жуманазров У. **Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик.** – Тошкент, **Фан, 1991.**
18. Жуманазарова Д. Ўқувчиларнинг нутқ малакаларини шакллантиришда халқ дostonларининг ўрни. – Оғзаки ва ёзма нутқ муаммолари. Мақолалар ўплами, Тошкент, 2010, 132-137-бетлар.
19. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент, Фан, 1995.
20. Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.
21. Зуннунов А. 5-9-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 142 б.
22. Зуннунов А. 4-10-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш. 2-нашри. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1974. –137б.
23. Зуннунов А., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 329 б. А.Зуннунов, Н.Хатамов. Адабиёт назариясидан қўлланма. –Т.: «Ўқитувчи», 1978.
24. К.Имомов. Ўзбек сатирик эртаклари. –Т.: Фан, 1974.
25. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ поэтик ижоди. – Тошкент, Ўқитувчи, 1990.
26. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 207-219, 287-290 бетлар.
27. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006.
28. Йўлдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари.- Тошкент, Маънавият, 2002.
29. Ф.Йўлдошева. Ўзбек халқ латифаларида Насриддин Афанди образи. – Т.: Фан, 1979.
30. Йўлдошев И., Мирзараҳимова М. Она тили ва адабиётдан ноанъанавий дарслар. – Т.: ТДПУ, 2006. 5-8 б.
31. Йўлдошев Қ. Адабий сабоқлар-8. Умумтаълим мактабларининг 8-синф учун методик қўлланма. – Т.: Шарқ, 2004. – 138 б.
32. Йўлдошев Қ., Мадаев А., Абдураззоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 94 б.

33. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 151 б.
34. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. (Методик қўлл. 7-синф “Ўзб. Адабиёти” дарслик – мажмуаси учун.) – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 230 б.
35. Йўлдошев Қ., Хусанбоева Қ. Ўқитувчи китоби. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 160 б.
36. Yo'ldashev Q., Husanboeva Q., G'ulomova N. Adabiyot. 6-sinf uchun darslik - majmua. – Т.: G'afur G'ulom, 2004. – 352 b.
37. Yo'ldashev Q., Qosimov B., Adabiyot. 7-sinf uchun darslik-majmua. – Т.: G'afur G'ulom, 2003. – 384 b.
38. Karimov N., Normatov U. Adabiyot. 5-sinf uchun darslik-majmua. – Т.: Yozuvchi, 2002. – 352 b.
39. Karimov N., Mirzayev T., Nazarov B., Normatov U., Qosimov B. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. – Т.: Ma'naviyat, 2002. – 240 b.
40. Kattabekov A., Yo'ldashev Q., Boltaboev H. Adabiyot. 8-sinf uchun darslik - majmua. – Т.: O'qituvchi, 2002. – 448 b.
41. Мадаев О. «Алпомиш» билан сўбат. – Тошкент, Маънавият, 1999.
42. Мадаев О., Собитова Т. «Ўзбек халқ оғзаки ижоди». – Тошкент, Университет, 1999.
43. Marasulova U. 7-sinf adabiyot darslarida she'r tahlili orqali nazariy bilim berish». //Uzluksiz ta'lim. Ilmiy-uslubiy j. – Т.: 2006. 6-son, 35-38 betlar.
44. Марасулова У. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Методик қўлланма. – Т.: 2006. 30 бет.
45. Марасулова У. Шеъринг нутқ услуби. ТДПУ, Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасининг илмий тўплами: Бадиият жилолари. – Т.: 2006. 81– 87 бетлар.

46. Марасулова У. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришда адабий-назарий тушунчаларнинг ўрни. //Узлуксиз таълим. Илмий-услубий журнал. – Т.: 2007. 1-сон, 62-69 бетлар.

47. Марасулова У. Шеъринг нутқ услуби. ТДПУ, Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасининг илмий тўплами: Бадиият жилолари. – Т.: 2006. 81– 87 бетлар.

48. Матчонов С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 208 б.

49. Матчонов С. Китоб ўқишни биласизми? – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 114 б.

50. Т.Мирзаев. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. –Т.: Фан, 1979.

51. Мирқосимова М.М. Адабий таҳлил методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 90б.

52. Мирқосимова М. Адабий суҳбатлар. Методик қўлланма. – Т.: 2000. – 97б.

53. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: Фан, 2006. – 112 б.

54. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Ўқитувчи. Т.: 1996. – 114 бет.

55. Ниёзметова Р. XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилаш масалалари. – Т.: ТДПУ, 2002. – 105 б.

56. Ниёзметова Т. Бадиий асар устида ишлаш. – Т.: Ўқитувчи, 1974. – 24 б.

57. Ниёзметова Т. Адабиёт дарсларида мустақил ишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 64 б.

58. Нишонова С. Комил инсон тарбияси. – Т.: Истиқлол, 2003. – 224 б.

59. Нишонова С. Эзгулик йўли. Тошкент, Маънавият, 2001, 8-бет.

60. Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб. – Т.: Фан, 1981. – 198 б.

61. Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: РТМ, 2000. – 46 б.

62. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ – Тошкент, Фан, 1978.

63. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. –Т.: Фан, 1986.
64. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. –Т.: Ўқитувчи, 1985.
65. Собиров О. Ислом шоир Назар ўғли. –Т.: Фан, 1967.
66. Тожиев А. Адабиёт дарсларида сухбат. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – 132 б.
67. **4-sinfda o‘qish darslari:** O‘qituvchi kitobi / S.Matchonov, X.G‘ulomova, Z.Dolimov. — Т.: “Yangiyul poligraph service”, 2007 – 192 b. — (O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma)
68. Тўхлиев Б. Адабиёт. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 288 б.
69. Тўхлиев. Б., Шералиев Э., Алиқулова Х. Ёр-ёрлар. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 288 б.- 104 бет.
70. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. 152б. 124–125 б.
71. Умуров Х. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: Халқ мероси, 2004. – 260б.
72. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: 1993.
73. Шуқуров Н., Хотамов Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. (иккинчи нашр) – Т.: Ўқитувчи, 1984. 133 – 144 б.
74. Эл суярим, алла. Ўзбек халқ аллалари. Тўплаб нашрга тайёрдовчи ва сўзбоши муаллифи О.Сафаров – Тошкент, Ўзбекистон, 2009. 43-бет
- ¹ М. Г о р ь к и й. О литературе, - М.: “Советский писатель”, 1953, стр. 48.
75. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, Фан, 1981.
76. Ўзбек тилинингизоҳли луғати. Икки жилдлик, 1-жилд, Москва, Рус тили, 1981.
77. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Дарслик. (К.Имомов, Т.Мирзаев ва бошқ.) –Т.: Ўқитувчи, 1990.
78. Ўзбек фольклор очерклари. 1-2 жилдлар. –Т.: Фан, 1989-90.
79. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. –Т.:Фан, 1989.
80. Қобулниёзов Ж. Хоразм халқ кўшиқлари. –Т.: Фан, 1965.

81. Қуроноу Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ҳалқ мероси нашриёти. 2004. – 223 б.
82. Т.Ғозибоев. Ғозил Йўлдош ўғли. –Т.: Ған, 1968.
83. О. Ҳасанбоева, Одобнома. Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2007.
84. А. Ҳожиаҳмедов. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. –Т.: 1998.
- 85.Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати. –Т.: «Ўқитувчи», 1983.
86. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. Монография. – Т.: 2003. 48-70 б.
87. Ҳусанбоева Қ. Адабиёт дарсларида муаммоли таълим. – Т.: 2007. 48-70 б.